

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ**

РАЙИМЖОНОВА ДИЛБАРХОН САЙФУЛЛОЖОН ҚИЗИ

**“ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ” ГАЗЕТАСИДА
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАВЗУДАГИ МАҚОЛАЛАР ТАҲЛИЛИ
(2012-2013-ЙИЛЛАР)**

5320100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар:

ф.ф.д. Маматова Я. М.

Тошкент-2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ**

РАЙИМЖОНОВА ДИЛБАРХОН САЙФУЛЛОЖОН ҚИЗИ

**“ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ” ГАЗЕТАСИДА
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАВЗУДАГИ МАҚОЛАЛАР ТАҲЛИЛИ
(2012-2013-ЙИЛЛАР)**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

ДАК қарори: Райимжонова Дилбархон Сайфулложон қизи

Битирув иши “____” га баҳолансин

“____” _____ 2014-йил

ДАК раиси:_____

ДАК котибаси:_____

Тошкент-2014

Мундарижа

Кириш	-----	3-10
I боб. “Фарғона ҳақиқати” газетасининг вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида туганган ўрни	-----	11-25
II боб. “Фарғона ҳақиқати” газетасида маънавий-маърифий мавзудаги мақолаларининг контент таҳлили	-----	25-54
III боб. Маънавий-маърифий йўналишдаги материалларнинг шакл ва усуллари	-----	54-64
Хулоса	-----	64-68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	-----	68-70
Илова	-----	70-78

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил тараққиёт йиллари нафақат иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий жабҳалар, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат соҳалари, балки оммавий ахборот воситалари, матбуот ва нашриётлар учун ҳам том маънода юксалиш даври бўлди. Соҳанинг давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий дунёқарабини кенгайтириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига холис етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини алоҳида қайд этиш лозим. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас”¹.

Бугунги глобаллашув даври шиддати журналистлардан янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик талаб этади. Айни шароитда И. А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларида матбуот ходимлари олдида турган вазифага қуйидагича таъриф беради: “Бугунги кунда ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга ўз ҳаётий принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга интилиши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашни замоннинг ўзи талаб қилмоқда...”².

Матбуот давлат ва жамиятни боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди. У бир томондан, давлат механизмида юз бераётган жараёнлар ҳақида аҳолини хабардор этса, иккинчи томондан, жамоатчилик фикрини мос даражада акс эттириши лозим. Бугунги кунда ушбу соҳада яратилаётган имкониятлар туфайли журналистиканинг тармоғи кенгайиб, кундан-кун

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009. - Б-135.

² Ўша манба. - Б-136.

янгидан янги нашрлар пайдо бўлмоқда. “Юртимизда эркин матбуот бозори шаклланиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кўпаймоқда ва улар орасида рақобат муҳити вужудга келмоқда”¹.

Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, “...оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим”². Хусусан, республика миқёсидаги газеталар билан бир қаторда, шаҳар, туман, вилоят матбуоти тизимининг раванқ топишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, барча зарурий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари жадал суратларда бормоқда. Улар мазмун ва шакл жиҳатдан янгиланиб, ўз аудиториясини кенгайтирмоқда. Жумладан, “Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳам юртимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, халқимизнинг бой тарихи ва маънавиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ёритиш, бугунги кундаги энг долзарб ва муаммоли мавзуларни қаламга олиш борасида фаол иштирок этмоқда. Шу боис ҳам фарғоналикларнинг севимли газетасига айланиб улгурган. Бунинг ёрқин далили сифатида 2012-йилда вилоят ҳокимлигининг бош наشري ҳисобланмиш “Фарғона ҳақиқати” – “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти ижодий жамоасининг журналистика соҳасида “Олтин қалам” халқаро танловининг Бош миллий мукофотини қўлга киритганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Юртимизда маънавият соҳасига, маънавий-маърифий тарғибот ишларига улкан эътибор қаратилаётган бир паллада, “Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳам айти шу йўналишдаги мақолаларга алоҳида урғу бериб, жамиятимиз аъзоларининг маънавий дунёқарашини ўстиришга, мафкуравий

¹ Абдуазизова Н. Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Т.: Академия, 2007. - Б-356.

² Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. - Б-53.

иммунитетини мустаҳкамлашга, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга хурмат руҳида тарбиялашга камарбаста бўлаётганликлари эътирофга лойиқ. Шу боисдан ҳам газета фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб масаладир.

Ишнинг илмий янгилиги. Мазкур битирув ишида ҳудудий нашрлардан бири бўлган “Фарғона ҳақиқати” газетасида доимий равишда бериб бориладиган маънавий-маърифий материаллар, уларнинг вилоят ҳаётида тутган ўрни, мақолаларда тил ва услуб масалалари, журналист маҳорати илк бор тадқиқ этилди. Газета саҳифаларида чоп этилган мақолаларнинг долзарблилик даражаси, уларнинг жамият ҳаётига, ёшлар тарбиясига таъсири, инсонларнинг маънавий дунёқарашини, фикрлашини ўстиришдаги ўрни амалий материаллар асосида таҳлил этилди.

Малакавий битирув ишининг мақсади ва вазифалари. Барчамизга маълумки, бугунги кунда маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали маънавий тарғибот ишларини олиб бориш, маънавий-маърифий руҳдаги мақолаларни чоп этиш жамиятимизнинг бу борадаги онгини юксалтиришда ижобий самара бермоқда.

Ушбу тадқиқотдан кўзланган **асосий мақсад** ҳам “Фарғона ҳақиқати” газетасида эълон қилинган маънавий-маърифий материалларнинг ижтимоий аҳамияти ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, инсонларнинг маънавий дунёқарашига қай даражада таъсир этишини ўрганишдан иборат.

Малакавий битирув ишининг **вазифаларини** эса қуйидагилар ташкил этади:

- маънавий-маърифий йўналишдаги мақолаларни илмий асосда ўрганиш ва тадқиқ этиш;
- маънавий-маърифий мавзудаги материалларда кўтарилган асосий муаммолар талқинини ўрганиш;
- мазкур мақолаларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил этиш;

- материалларнинг жанрий, тил ва услуб хусусиятлари, сарлавҳаларни танлаш маҳоратини таҳлил этиш;

- маънавий-маърифий мазмундаги мақолаларнинг самарадорлиги омилларини тадқиқ этиш.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг миллий журналистика тараққиёти масалаларига бағишланган асарлари ва нутқлари битирув ишининг методологик асоси бўлиб хизмат қилади. Ишнинг назарий асосини эса журналистика ва таҳлилий публицистика тадқиқотчилари Н. Абдуазизова, М. Худойкулов, Я. Маматова, А. Мелибоев, Х. Дўстмуҳаммедов, хорижий олимлардан Ф. Нестеренко В. Ворошилов ва бошқаларнинг асарлари ташкил этади.

Битирув ишининг объекти ва предмети. Малакавий битирув ишининг **объекти** сифатида “Фарғона ҳақиқати” газетаси танланди. Тадқиқотимизнинг **предметини** эса мазкур газетада 2012-2013-йилларда чоп этилган барча маънавий-маърифий мавзудаги мақолалар ташкил қилади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув ишида “Фарғона ҳақиқати” газетасида чоп этиладиган маънавий-маърифий мақолалар илк бор тадқиқ этилгани учун ҳам иш қимматлидир. Ундан талабалар, ёш амалиётчи журналистлар ва тадқиқотчилар маънавий-маърифий мавзунини ёритишда фойдаланишлари мумкин. Тадқиқот яна туман, шаҳар ва вилоят газеталари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳам қўл келиши мумкин.

Ишнинг таркибий тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Кириш қисмида юртимизда оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, вазифалари ҳақидаги фикрлар, мавзунинг долзарблиги, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари,

малакавий битирув ишининг назарий ва методологик асоси, объекти ва предмети, ишнинг амалий қиммати ва таркибий тузулиши ҳақида маълумотлар берилган.

Биринчи боб “Фарғона ҳақиқати” газетасининг вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тутган ўрни” деб номланиб, унда газетанинг тарихи, бугунги кундаги фаолияти, ёритиш соҳалари, мавзу ва рухлар хилма-хиллиги, газетада чоп этилган ва вилоят ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлган айрим мақолалар таҳлили хусусида гап боради.

Иккинчи боб “Фарғона ҳақиқати” газетасида маънавий-маърифий мақолаларнинг контент таҳлили” деб аталди ва унда газета саҳифаларида чоп этилган маънавий-маърифий мақолалар атрофлича таҳлил этилиб, мисоллар ёрдамида ёритиб берилди. Танланган мавзуларнинг жамият аъзолари дунёқараши ва маънавий оламига қай даражада таъсир этишига баҳо берилди.

Учинчи боб “Маънавий-маърифий материалларнинг шакл ва усуллари” деб номланиб, бу бобда материалларни ёритишда муаллифлар маҳорати, уларнинг ўзига хос услуби, йўл қўйган камчиликлари борасида сўз юритилди. Шунингдек, сарлавҳа танлаш маҳоратига ҳам алоҳида урғу берилди.

Хулоса қисмида малакавий битирув ишидаги барча фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, якуний хулоса ва баъзи таклифлар баён этилди.

Биринчи боб

“Фарғона ҳақиқати” газетасининг вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида тутган ўрни

“Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими – ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат”¹.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситаларининг, айниқса, матбуотнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда катта.

Мустақилликнинг дастлабки кезларидаёқ миллий матбуотимиз зиммасига ижтимоий ҳаётни адолатли, холис акс эттириш, уни ўрганиш, тадқиқ этиш, инсонларга ҳаққоний информацияни етказиб бериш, уларни мамлакатимизда, ён-атрофимизда кечаётган ўта мураккаб жараёнлардан хабардор этиш, истиқлол ғояларини изчил тарғиб этиш, айти пайтда, мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият аъзоларини янги демократик давлат қуришдек ягона мақсад атрофида бирлаштиришдек муҳим вазифалар юкланган².

Юртбошимиз ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўшма палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисдаги маърузаларида : “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз,”³ деганларида айти ҳақиқатни айтган эдилар.

¹ Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009, Б-10.

² Мелибоев А. Истиқлол даври матбуоти: вазифаси ва ҳуқуқий асослари. – Т.: Университет, 2012, Б-5.

³ Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2011, Б-38.

Яхши биламизки, халқимиз оққўнгил, содда ва ишонувчан. Матбуотда босилган, телевидение ва радиодан айтиладиган гапларга ишонч билан қарайди. Шу боисдан ҳам матбуот халқ хоҳиш-иродасининг холис ифодачиси, инсон манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлиши лозим.

Матбуотнинг энг асосий ва салмоқли қисмини ташкил этувчи газета пайдо бўлганидан то бугунги кунга қадар оммавий ахборот воситалари фаолиятида ва айниқса, жамият ҳаётини ёритишда бекиёс ўрин тутиб келмоқда. Энг аҳамиятлиси, газета кишиларнинг тафаккурини шакллантиришда, уларни бир мақсад, йўл ва ғоя сари бирлаштиришда, давлатнинг асосий ислохотларини халққа, халқнинг фикр-мулоҳазаларини, орзу-интилишларини эса давлат мутасаддиларига етказишда, ўзаро фикр алмашишда жуда катта роль ўйнайди.

Бундан бир аср илгари таниқли маърифатпарварларимиздан бўлган Ашурали Зоҳирий газетага қуйидагича таъриф беради: “Газета ҳар бир миллатнинг таржимонидирки, билмағон нарсаларини билдирур ва ҳам муддаосини бошқаларга билдирур. Яна бир сўз билан айтилса, газета ҳар бир миллатнинг тилидур, газетасиз миллат тилсиздур. Зеро, тили ва адабиёти йўқ миллат миллат эмасдур. Ҳар кимнинг дунёда тирик турмоғи учун ҳаво билан сув қандай лозим бўлса, ҳар қавмнинг ҳаёти ва саодати учун ул миллатнинг матбуоти ва адабиёти бўлмоғи лозим”¹. Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, матбуот ҳақида билдирилган фикрлар ўз қимматини йўқотмаган. Чунки ҳамма замонда ҳам газетанинг функцияси жамият аъзоларига хизмат қилишдан иборат бўлган.

Газета ижтимоий онг кўриниши сифатида маълум бир воқеликни ўзида акс эттиради, уни ўрганади, таҳлил қилади ҳамда унга қайтадан таъсир кўрсатади. “Таъбир жоиз бўлса, матбуотни реал воқеликдан қайнаб чиқиб унга ҳаётбахш оқим сифатида қайтадан қуйилувчи маънавий чашмага ўхшатиш мумкин”².

¹ Қаранг: Абдуазизова Н. Матбуот зиёси. –Т.: Академия, 2009, Б-17.

² Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008, Б-14.

Айниқса, “Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида газета ўз-ўзини бошқаришнинг таркибий қисмларидан бирига айланиб боради. Шу боис, маълум ҳудудда яшовчи фуқароларнинг матбуот орқали ўз фикрларини, карашларини баён этишлари, мулоқотга, мунозарага киришишлари одатий ва доимий ҳолатдир”¹.

Фарғона шаҳрининг энг сўлим масканида буюк Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталадиган кўчада истараси иссиқ, қуёшга қараган бир бино бор. Бу даргоҳни том маънода сўз-таҳлил диагностика маркази ёки лабораторияси дейиш мумкин. Боиси, бу бинода сўз қудратидан қувват олиб, қалам учи билан Фарғонанинг ёрқин лаҳзаларини тарихга муҳрлаётган ғоят қамтарин ижод аҳли меҳнат қилади. Уларнинг ичида “Фарғона ҳақиқати” таҳририяти ва унинг жамоасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

1917-йилнинг 14-октябридан чиқа бошлаган “Фарғона ҳақиқати” газетаси қарийб шу бир аср мобайнида вилоятда юз берган ва юз бераётган ўзгаришларга, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг бош наشري ҳисоланмиш ушбу газета ўзбек тилида “Фарғона ҳақиқати” ва рус тилида “Ферганская правда” номлари остида ўн беш мингга яқин ададда чоп этилмоқда.

“Фарғона ҳақиқати”нинг узок йиллик тарихига назар ташлар эканмиз, газетанинг турли хил номлар остида чоп этилганига гувоҳ бўламиз. Унинг илдизи 1917-йилнинг октябр ойида Қўқон шаҳрида “Эл байроғи” номи билан пайдо бўлган газетага бориб тақалади. Газета 1921-йилнинг май ойидан “Меҳнат байроғи”, сўнгра “Фарғона”, 1926-йилнинг 22-октябридан “Янги Фарғона” номлари билан чиққан.²

¹ Қосимова Н ва бошқ. Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. -Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, 2008, Б-13.

² Обидов М. Фарғона журналистикаси. -Т.: Шарк, 2009, Б-76.

1938-йилнинг бошларида ҳозирги Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудини камраб олган Фарғона вилояти ташкил топгач, унинг газетаси “Коммуна” номи билан чиқа бошлаган.

Газетани ташкил этишда Акмал Икромов, Назиржон Тўракуловлар жонбозлик кўрсатганлар. Уни уюштириш, тайёрлаш ва чоп этишда эса Ҳамза Ҳакимзода, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Собир Абдулла, Комил Яшин, Абдулла Қахҳор, Шариф Ризо, Ғулом Ғофуров, Усмон Носир, Наим Саид, Шариф Муртазин, Абдулла Юсуфий, Аҳмад Ёдгор, Мадамин Иброҳим, Ҳасан Иззатий каби таниқли адиблар фаол иштирок этганлар.¹

Газетага 1980-йилларгача Йўлдош Раҳмонов, Акмал Пўлат, Абдулла Мирзаев, Адҳам Ҳамдам, Жалол Жамолов каби жонкуяр ёзувчи ва журналистлар муҳаррирлик қилганлар. 1983-йилдан 1996-йил апрелигача эса газета бош муҳаррири вазифасини Дониёр Эргашев бажарганлар. Ундан сўнгги йилларда Аҳмадали Хўжаев, Фотиҳ Азимов, Алишер Ибодиновлар бошчилигида ҳам газета ўзига хос қиёфа яратди десак, муболаға бўлмайди.

Кейинчалик газета “Фарғона тонги”, “Олтин водий” номлари билан ҳам чиқарилган.

1993-йил декабр ойдан вилоят ҳокимининг қарори билан “Олтин водий” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти бирлаштирилгач, газетанинг номи “Фарғона ҳақиқати” деб ўзгартирилди.

Газета ўз фаолиятида ҳамиша одамлар қалбига яхшилик, эзгулик уруғини сепишга, ўзаро низо ва адоват ўтини қуритишга, халқимиз хонадонига нур олиб кириб, улар қалбини илм-у маърифат ила нурафшон этишга интилди. Газета ижодкорларга ҳамиша адолатни ёзиш учун қалам тутқазди. Бу оддийгина қалам эмас, балки халқ руҳиятини ифодаладиган, унинг дилидагини тилига кўчирадиган, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган сеҳрли, мўжизакор қаламдир. Шу боис ҳам, газета вилоят ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

¹ Обидов М. Фарғона журналистикаси, -Т.: Шарк, 2009, Б-76.

“Фарғона ҳақиқати”нинг Усмон Носир, Акмал Пўлат, Жалол Машрабий, Шерали Тошматов, Адҳам Ҳамдам, Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов, Малика Мирзаева, Муҳаббат Иброҳимова сингари таниқли шоир ва ёзувчиларга ижодий қанот бағишлаган муқаддас мактаб эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айни кунда “Фарғона ҳақиқати” таҳририятининг ижодий жамоаси бош муҳаррир Баҳромжон Обиджонов бошчилигида газетанинг сифатли ва мазмунли чоп этилиши йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Газета фаолиятининг янада жадаллашиб, ривож топишида Дониёр Эргашев, Абдужалил Бобожонов, Ҳошимжон Нуриддинов, Муҳаммаджон Эркабоев, Маъмура Абдурахимова, Матлуба Тожалиева, Ботиржон Мадиев, Соҳиба Абдурахмонова каби тажрибали журналистларнинг ҳиссалари катта. Улар газетанинг яқин юз йиллик тарихи давомида тўпланган бой тажрибаси ва қимматли анъаналарини муносиб равишда давом эттириб, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, элимиз тинчлиги, юртимиз фаровонлиги ва Ватанимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида беминнат хизмат қилмоқдалар. Қолаверса, таҳририятга келган ёш журналистларга ҳам ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, фойдали маслаҳатлар бериб, уларни журналистика сирларидан воқиф қилмоқдалар. Абдувосит Сиддиқов, Камола Полвонова, Шохидбек Аслоновлар ана шундай тажрибали устозлар маслаҳатини олиб, “Фарғона ҳақиқати”да ўз ўрнини топаётган ёш, иқтидорли қалам соҳибларидир.

Марказий нашр сифатида, айтиш мумкинки, “Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳам вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларига дахлдор ҳамда улардаги ютуқ-камчиликларни, муаммоли вазиятларни ёритишда ва бартараф этишда ўз ўрнига эгадир.

Бундан ташқари, газета вилоятда юз бераётган жараёнларнинг ҳам хабарчиси, ҳам тарғиботчиси, ҳам кузатувчи ва текширувчиси, ҳам танқидчисидир. Газетада фаолият юритаётган журналистлар она ватан истиқболи, юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, эришаётган

ютуқларимиз хусусида завқ-у шавқ, ифтихор билан қалам тебратсалар, жамиятимиздаги айрим камчиликлар, бугуннинг долзарб мавзулари, одам савдоси, гиёҳвандлик, табиатни асраш муаммоларини эса куюнчаклик билан ёритадилар.

Президентимизнинг қарор ва фармонлари, байрамлар муносабати билан халқимизга йўллаган табриклари, вилоят ҳокимининг қарорлари, халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг барча сессиялари, жамиятимиз аъзоларига етказилиши муҳим бўлган барча хабар ва эълонлар, турли хил республика ва вилоят миқёсидаги танловлар, уларнинг ўтказилиш тартиби, қолаверса, танловнинг якуний босқичлари ҳамда ғолиблар рўйхати доимий равишда газетанинг бош саҳифасида бериб борилади. Бу албатта, юртдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалиши, замон билан ҳамнафас юришлари, юртимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, олиб борилаётган ислохотлардан, қабул қилинаётган қонун ва фармонлардан мунтазам хабардор бўлишларини таъминлайди.

Газета мавзулари хилма-хил, яъни тиниб-тинчимас таҳририят ходимлари жамиятимиз аъзоларини барча жабҳадаги ўзгариш ва янгиланишлардан хабардор этишни, турли мавзулардаги маълумотлар билан таништиришни ҳамда улар учун фойдали, қизиқарли, айти пайтда муҳим бўлган маслаҳатларни беришни ўзлари учун дастуруламал сифатида белгилаб олганлар. Ушбу фикримизни газета саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар, ташкил этилган рукнлар ҳам исботлайди. Мисол тариқасида, “Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 23 феврал, шанба куни чоп этилган сонини олайлик. Унинг саҳифаларида “Кўкаламзорлаштириш ташаббусини қўллаб-қувватлайлик” рукни остида “Фарғона табиати эртага қандай бўлади?”, “Иқтисодий ислохотлар” рукни билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга”, “Саноат корхоналарида” рукни остида “Ипакнинг бозори чаққон”, “Муносабат” рукни билан “Шоҳимардонлик болалар қувончи”, “Жинойтга жазо муқаррар” рукни остида “Лоқайдлик ва нафс балоси”, “Қилмиш-

кидирмиш” рукни билан “Тугурт кутисидаги оғу”, “Қонунлар ижроси – прокурор назоратида” рукни билан “Пенсия таъминотининг ҳақчил талаблари”, шу билан бирга, “Ишбилармонларга имкониятлар”, “Пок маскан ободдир”, “Бир сўм кассага, ўн сўм оила кассасига, “Меҳрга муҳтож мурғаклар маскани”, “Ҳарбий хизматни давом эттириш ниятим бор”, “Қамолотчилар ташаббуси”, “Қўркам санъат кошонаси”, “Бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари” каби бир қатор мақолалар, лавҳа ва репортажлар берилган. Бундан ташқари, “Газетхон хабар беради...”, “...миннатдорчилик билдиради” рукнлари остида берилган материалларда газетхонларнинг муносабатлари ифодаланган. Ушбу материалларнинг муаллифлари нафақат журналистлар ва мухбирлардан, балки бир қатор ташкилотлар вакиллари, хусусан, судьялар, адлия маслаҳатчилари, талаба ва жамоатчи мухбирлардан ҳам иборатдир. Бу эса газетанинг жамиятдаги турли соҳа ва турли қатлам вакиллари ижтимоий фикрини ўзида мужассам этганлигидан ва том маънодаги минбарига айланганлигидан бир нишонадир.

“Фарғона ҳақиқати” ўзининг информация бериш вазифасини “Хабарлар, янгиликлар, воқеалар”, “Интернет хабарлари”, “Спорт, спорт, спорт”, “Қамолотда нима гап?”, “Тадбир”, “Анжуман” рукнлари остида бажариб келса, “Сенатор минбари”, “Депутат минбари”, “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Жиноят жазосиз қолмайди”, “Ҳуқуқий сабоқ”, “Қонунлар ижроси-прокурор назоратида”, “Истеъмомчи ҳуқуқи ҳимояда” каби рукнлар остида бериб бориладиган материаллар орқали ҳуқуқий соҳага оид мавзуларни ёритиб боради ва жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, уларнинг бу соҳа билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. “Долзарб мавзу”, “Бугуннинг гапи”, “Қун мавзуси”, “Огоҳлик қўнғироғи” каби рукнлар эса бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб масалаларни, бизни қийнаётган, юксалиш, ривожланиш йўлида ғов бўлаётган ва маънавиятимизга, дунёқарашимизга, шу билан бирга ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган, тўғри

йўлдан оздираётган муаммоларни ёритиб, газетхонларни сергак ва огоҳ бўлишга, фикрлашга ва шулардан тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

Бундан ташқари, газетада “Аччиқ, аммо очик гаплар”, “Оғрикли нуқта”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат...” рукнлари остида таҳлилий-танқидий материаллар бериб борилади. Бу материалларда вилоят ва унинг ҳудудларида кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жараёнлардаги турли камчилик ва нуқсонлар, халқ фаровонлигига раҳна солаётган иллатлар очик-ойдин қаламга олинади. Энг муҳим жиҳати, журналистларнинг ўткир қалами билан тилга олинган аччиқ, аммо очик гаплар ўз эгаларига етиб боради ва йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилади. Танқидий мақолалар, шикоят ва аризалар натижасида амалга оширилган ишлар, мутасадди ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг жавоб хатлари “Фарғона ҳақиқатига жавоб берадилар” рукни остида эълон қилинади. Демак, газета маълум маънода ўз олдига қўйган вазифаларига эришмоқда. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Бугун бизга ислохотларимизни тўлиқ амалга ошириш, уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш йўлида нималар ғов-тўсик бўляпти? Бу – бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, шухратпарастлик, лоқайдлик каби салбий иллатлардир. Бундай иллатларни ўз номи билан атаб, амалий мисолларда кўрсатиб бериш учун оммавий ахборот воситалари, авваламбор, эл-юрт манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидоийлик кўрсатишини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда”.¹

Фикримизни газета саҳифаларида чоп этилган бир нечта танқидий-таҳлилий материаллар билан исботласак.

“Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 8-май, чоршанба кунги 36-сонидида чоп этилган тажрибали устоз-журналист Дониёр Эргашевнинг “Нефтчига нима бўлди?” сарлавҳали мақоласи анчайин шов-шувларга сабаб бўлди ва газетхонлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Танқидий руҳда ёзилган

¹ Каримов И. А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009, Б-14.

мақолада асосан, муаллиф мулоҳазаларига қўшимча тарзда “Нефтчи” футбол жамоасининг ашаддий мухлислари фикрлари, журналистлар ва мутахассисларнинг нуқтаи назарлари акс эттирилган.

Мақолада кўтарилган асосий масала футбол жамоасининг кетма-кет муваффақиятсизлик ва мағлубиятга учраётганлиги, мухлислар назаридан қолишига сабаб бўлган омиллар, бош мураббий Юрий Вазгенович Саркисяннинг алмисокдан қолган тактикасига ишониб, жамоани оғир аҳволга тушириб қўйганлиги билан боғлиқ. Муаллиф ҳам, мутахассис ва мухлислар ҳам шундай кескин фикр билдирганларки, улар очик-ойдин Юрий Саркисяннинг истеъфога чиқишини талаб қилганлар. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этсам.

“Нефтчи”нинг собиқ ўйинчиси Ноил Губанов шундай фикрлар билдирган: “Жамоанинг инқирозга юз тутишида Юрий Вазгеновичнинг айби катта. У ҳамон эскича тизимда ишламоқда. Машғулотлари зерикарли тарзда ўтади. Яхши билсангиз керак, айрим клубларда жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий, руҳшунос мураббий ва шунга ўхшаш мутахассислар фаолият юритишади. “Нефтчи”да эса ҳамма ишни Саркисяннинг ўзи бажаради”.

“Нефтчи”нинг собиқ ўйинчиси, 10 йил давомида жамоа сардори бўлган спорт устаси Юрий Великановнинг фикрича эса, жамоани “ботқоқлик”дан олиб чиқиш учун уни қайтадан ислоҳ қилиш, мураббийдан тортиб, ўйинчиларгача янгилаш, вилоятимиздаги иқтидорли, маҳоратли ёшларни жамоага жалб этиш керак. Юрий Вазгеновичнинг эса бу ҳақида умуман ўйлаб ҳам кўрмаслиги, ҳадеб ўринбосарлар йўқлигини пеш қилавериши барчанинг сабр косасини тўлдирган.

Мақола муаллифи “Нефтчи”нинг бу аҳволга тушиб қолишини қуйидаги сабаб билан изоҳлайди: “Юрий Вазгенович “Нефтчи”ни 5 карра чемпион қилганман, кўплаб кумуш медаллар олиб берганман, қисқа бўлса ҳам мамлакат терма жамоасини бошқарганман, нуфузли мукофотлар олганман, дея мақтанишдан чарчамайди. Ўзига–ўзи: Тўхта, вақт ўтиб борапти, ҳамма

нарсa эскиради, ўз кучини йўқотади, нега мен эски бисотимга ишониб, янгиликнинг йўлини тўсавераман, деган саволни асло-асло бермайди. Жамоада юзага келган инқироз, пасайиш, мухлислар назаридан қолишнинг асосий сабаблари шу эмасмикан?” Бундай куюнчаклик билан айтилган фикрлар замирида, албатта, вилоят шаъни, Фарғона истиқболи, спортни ривожлантириш каби эзгу мақсадлар кўзланганлиги яққол кўриниб турибди.

Мақола чоп этилганидан сўнг кенг жамоатчилик аъзолари томонидан таҳририятга ўнлаб мактублар келди, юзлаб кўнғироқлар бўлди. Уларнинг барчаси “Нефтчи”нинг энг қолоқ жамоага айланиб, кетма-кет мағлуб бўлаверишида ва бундай ёмон аҳволга тушиб қолишида мақолада келтирилган сабаблар айнаи ҳақиқат эканини таъкидлаганлар.

Мақола 8 май куни чоп этилган бўлса, орадан уч кун ўтиб, “Нефтчи” жамоаси “Гулистон” жамоасига қарши майдонга тушди ва ўйиннинг 20-дақиқасида “Нефтчи” жамоаси аъзоси Дилёрбек Эрматов рақиб дарвозасига гол киритди. Шундан сўнг у мураббий олдига келиб, мақола чоп этилган газетани мухлисларга кўрсатиб “мана, бизни кўриб қўйинглар, ундай қолоқ эмасмиз” деган маънода йиртиб ташлади ва стадионда ўтирганларга қарата отиб юборди. Жамоанинг бошқа футболчилари эса Эрматовнинг бу қилиғига томошабин бўлиб турдилар, бош мураббий эса мухлисларга қарата “бу танқид учун жавоб” деб бақирди. Бундан кўриниб турибдики, жамоа ўзи ҳақидаги танқидни кўтара олмаган.

Ушбу воқеадан сўнг таҳририят томонидан газетанинг 2013 йил 18 май сонида “Мавзуга қайтиб” рукни остида “Стадионда йиртилган газета ва “Нефтчи”нинг ўз мухлисларига муносабати” сарлавҳали иккинчи мақола чоп этилди. Унда бўлиб ўтган воқеага таҳририятнинг ҳамда бир нечта футбол мухлисларининг муносабати билдирилди. Мақолада келтирилган баъзи эътиборга лойиқ фикрларни айнан келтиришни жоиз топдик: “Биз аввал ҳам кўп бор таъкидлаганмиз, яна бир бор эслатиб ўтишдан эринмаймиз. Истиқлол йилларида матбуот бир пайтлар бўлганидек, кимларнингдир тақдирига ҳукм ўқиш, қозилик қилиш вазифасидан озод этилган. Эндиликда

оммавий ахборот воситалари жамият манфаатларини ифодаловчи эркин минбар – жамоатчилик минбари.”¹ Мақоладаги ушбу парча бежизга келтирилмаган. Таҳририятнинг мақсади шу бир парчагина матн орқали “Нефтчига нима бўлди?” сарлавҳали танқидий мақолани ўз-ўзича бермаганини, балки барча билдирилган фикрлар кенг жамоатчилик томонидан айтилганини, бугунги кунда матбуот жамиятдаги камчиликларни тўғирлашда асосий восита эканлигини “Нефтчи” футбол жамоасига тушунтириб қўйишдан иборат эди. Ва бу фикрнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарларидаги қуйидаги жумлалари орқали исботлаб қўйганлар: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади”².

Яна бир ўринда жамоанинг қилиғи қаттиқ танқид қилиниб, нафақат уларнинг профессионал ишлари, балки майдондан ташқаридаги юриш-туриши ва руҳий-маънавий ҳолати ҳам муолажага, таъмирга муҳтож эканлиги айтиб ўтилган. Таҳририят футболчиларнинг мухлисларга қилган муносабатини ҳисобга олиб навбатдаги танқидий мақолани тайёрлаб қўйганликларини, лекин жамоадаги сўнгги ўзгаришлардан кейин янгиликлар яхшиликка хизмат қилишига умид қилиб, мақолани чоп этмасликни маъқул топганликларини ҳам айтиб ўтганлар. Мақола якунида таҳририят жамоаси 8 май куни чоп этилган танқидий мақола, стадионда йиртилган газета воқеаси ва футболчининг хурмача қилиғи юзасидан вилоят футбол федерацияси ҳамда “Нефтчи” жамоаси маъмуриятидан жавоб кутиб қолишларини алоҳида таъкидлаганлар.

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, “Фарғона ҳақиқати”нинг 25 май кунги сонидида ушбу мавзу юзасидан бир эмас, иккита жавоб хати эълон қилинди. “Фарғона ҳақиқати”га жавоб келди...” рукни остида чоп этилган

¹ “Фарғона ҳақиқати” таҳририяти. Стадионда йиртилган газета.//Фарғона ҳақиқати, 2013, 18 май.

² Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008, Б-116.

“Юрий Саркисян истеъфога чиқарилди ва ... “Нефтчи” клубидаги жиддий ўзгаришлар” номли мақолада Нефтчи профессионал футбол клубининг янги раиси Комилжон Мирзабоев таҳририятга жавоб хати йўллаб, клубда амалга оширилган барча ишлар, ўзгаришлар ва янгиликлар хусусида батафсил тўхталиб ўтган.

Мақолада ёзилишича, газетада чоп этилган танқидий мақолалар “Нефтчи” ПФКнинг раҳбарияти, бошқарув кенгаши ва футболчилари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилиб, муаллиф, кенг жамоатчилик вакиллари ва таҳририят томонидан билдирилган фикрлар чуқур таҳлил этилган ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрилган.

“Нефтчи” ПФКда амалга оширилган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- “Нефтчи” ПФК бошқарув кенгашининг 14 май кунги қарорига кўра, клуб раиси Лев Вахтин ўз аризасига биноан лавозимидан озод этилди.
- Клубнинг профессионал даражасини пасайтириб юборганликлари ҳамда “Нефтчи” футбол жамоасининг мамлакат биринчилигидаги нуфузи тушиб кетишига йўл қўйганликлари учун клуб бош мураббийи Юрий Саркисян, мураббийлар Сергей Лебедев, Абдусамад Дўрмонов, Рустам Дўрмоновларнинг клуб билан тузган шартномалари бекор қилинди.
- Клуб билан тузилган шартнома шартлари ва бандларини бажармаганлиги туфайли хужумчи Анвар Бердиевнинг клуб билан тузилган шартномаси бекор қилинди.
- “Гулистон” жамоасига қарши бўлган ўйинда вилоятнинг бош газетаси ва ижодий жамоасига, ўйингоҳга йиғилган мухлисларга нисбатан ҳурматсизлик қилиб, мақола чоп этилган газетани йиртиб ташлаган Дилёрбек Эрматовга “қаттиқ ҳайфсан” интизомий жазоси эълон қилинди ва келгусида бундай ноўрин ҳатти-ҳаракатлар такрорланса, клуб билан тузган шартномаси бекор қилиниши

тўғрисида огоҳлантирилди. Шу билан бирга қилган хатоси учун “Фарғона ҳақиқати” газетаси орқали таҳририят жамоаси ва мухлислардан узр сўраши лозимлиги уқтирилди.

- Бош мураббий этиб “Нефтчи”да кўп йиллардан буён ёрдамчи мураббий сифатида фаолият олиб борган Евгений Шохин тайинланди.

Ҳа, яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, худди шу сонда “Қилмишимдан пушаймонман” рукни остида “Фарғона ҳақиқати” ва “Нефтчи” мухлисларидан узр сўрайман” номли мақола ҳам чоп этилди. Мақола орқали Дилёрбек Эрматов айб иш қилганлигини тан олиб барчадан узр сўради.

Газетада чоп этилган мақола туфайли футбол клубида амалга оширилган юкоридаги ижобий ўзгаришлар матбуотнинг қандай кучга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Демак, “Фарғона ҳақиқати”нинг вилоят ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда бекиёс. Дарҳақиқат, газета нафақат информация ташувчиси, балки халқ ҳаёти ва ватан тақдири йўлида хизмат қилувчи беминнат воситадир.

Таҳририят жамоаси “Бўлди, футбол клубида ўзгаришлар амалга оширилди, биз вазифамизни бажардик”, деб бу мавзуга нуқта қўймадилар. Балки орадан бир-икки ой ўтганидан сўнг газетанинг 2013 йил 7 сентябр сонида “Мавзуга қайтиб” рукни билан яна “Нефтчи”га нима бўлди?!” сарлавҳали мақола эълон қилдилар ва унда клубдаги янги ҳарорат, янги жамоа қандай имкониятлар эшигини очганлиги, ўзгаришлардан кейин футбол жамоасининг фаолияти, аввалги ва кейинги ҳолатлари солиштирилиб, таҳлил этилган. Шу билан бирга жамоанинг ўзгаришлардан кейинги ўйинларига мухлислар билдирган фикрлари ҳам берилган. Бундан кўриниб турибдики, таҳририят жамоаси ҳар қандай мавзуни ёритишда ўз ишига масъулият билан ёндошиб, унинг келиб чиқиш сабабларидан бошлаб, то самарасигача бўлган жараёнга эътибор қаратадилар ва биринчи навбатда, бу ҳақида халқни хабардор этадилар. “Фарғона ҳақиқати”да бундай ижобий

ўзгаришларга, фуқароларни қийнаб келаётган масалаларни ҳал этилишига, жамиятимиз ҳаётида долзарб бўлиб турган муаммоларни бартараф этишга сабаб бўлаётган материаллар жуда ҳам кўп.

“Жуда ҳам жиддий масала ёки истироҳат боғларига чойхоналар керакми?!”, “Истироҳат боғларининг доғлари”, “Бу масканлар гўзаллиги – калбимиз чиройидан”, “Ёз гигиенасини унутганлар ёхуд айрон савдоси можароси”, “Қизингизни эрта узатманг”, “Қарзи йўқнинг – кўнгли тўқ”, “Назоратчи калбимизда, виждонимизда бўлсин”, “Истеъмоли ёқади-ю, тўлови чақадими?!”, “Раҳбар масъулиятли бўлиши керак”, “Омонмисиз боши тўйдан чиқмаган одам”, “Ўқувчига сотка керакми?” каби мақолалар шулар жумласидандир. Бундай материалларни ёритишда тажрибали журналистлар Маъмура Абдурахимова ва Ботиржон Мадиевлар фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Муаллифлар мақолалари орқали жамиятимизнинг турли ёшдаги вакиллари мушоҳадага чорлашга, бирор масалани ҳал қилиш-у, ташаббусли лойиҳаларни амалга оширишда бирлашишга, фарзанд тарбияси, оилавий, ахлоқий масалалар борасида эҳтиёткор ва эътиборли бўлишга ундайдилар. Яна шуни ҳам алоҳида эътироф этиш керакки, жонкуяр журналистлар муаммоли мавзуларни қайта-қайта ёзишдан ва таҳлил қилишдан чарчамайдилар. Масалан, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлмиш одам савдоси билан боғлиқ мақолалар “Одам савдоси – олам муаммоси” рукни остида доимий равишда бериб борилади. “Ой бориб, омон қайтмаганлар ёхуд ёт юртларда умри хазон бўлган йигитлар”¹, “Ота надомати ёхуд хорижга кетиб пушаймон бўлганлар қисмати”², “Гумроҳлик исканжасида ёхуд ўз қизини ёт юртларга сотган ота”³ сарлавҳали мақолалар шулар жумласидандир. “Фарғона ҳақиқати”нинг 2013-йил 18-декабр кунги 100-сонидида чоп этилган “Ой бориб, омон қайтмаганлар

¹ Зоҳид Абдулла. Ой бориб, омон қайтмаганлар ёхуд ёт юртларда умри хазон бўлган йигитлар. //Фарғона ҳақиқати, 2013, 18 декабр.

² Абдурахимова М. Ота надомати ёхуд хорижга кетиб пушаймон бўлганлар қисмати. //Фарғона ҳақиқати, 2013, 8 июнь.

³ Абдурахимова М. Гумроҳлик исканжасида ёхуд ўз қизини ёт юртларга сотган ота. //Фарғона ҳақиқати, 2013, 3 апрель.

ёхуд ёт юртларда умри хазон бўлган йигитлар” сарлавҳали мақолада хорижга ишлашга бориб алданган ва хор-у зорликда азоб чекиб уйга касал бўлиб қайтган бир йигитнинг изтиробли ҳикояси ҳамда Россия давлатига ишлашга бориб, ўз уйига жонсиз жисми қайтган бир қанча навқирон йигитларнинг аянчли тақдири қаламга олинган. Муаллифнинг мақсади бу мақолани ёзиб, ушбу йигитларнинг оила аъзолари ярасига туз сепиш эмас, балки халқимизни огоҳликка даъват этиш, керакли хулоса чиқариб олишларини таъминлашдан иборатдир. Кўриниб турибдики, газета бутун фаолиятини эзгу мақсадларга қаратиб, жамият аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун тинмай ҳаракат қиладилар.

“Фарғона ҳақиқати” газетаси юқорида таъкидлаб ўтилганидек турли-туман мавзуларни ёритиб боради. Газетада чоп этилаётган материаллар нафақат вилоят ижтимоий-сиёсий турмушида, балки маданий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Газета доимий равишда ўз ўқувчиларига маънавий-маърифий, маданий соҳалардаги ўзгаришлар, ютуқ ва камчиликлар, амалга оширилаётган ислохотлар хусусидаги хабарларни “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Янги китоб”, “Баркамол авлод йўлида”, “Шукрона”, “Истиқлол берган имконият”, “Фидойилар”, “Ташаббус”, “Кўрик-танлов”, “Мустақиллик неъмат”, “Истиқлол тенгдошлари”, “Маънавият кошоналарида”, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ифтихор”, “Миллий маданий марказларда”, “Таълим ва тарбия” каби рукнлар орқали бериб боради. Уларда, асосан, мустақиллик йилларида амалга оширилган изчил ислохотлар, вилоятнинг кечаги ва бугунги кунига оид қимматли маълумотлар, маданий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгидан янги нашрлар, турли ҳудудларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, санъаткорлар, спорт усталари, ёш истеъдод соҳиблари фаолиятидан лавҳалар, таълим-тарбия жараёнида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар қаламга олинади.

“Фарғона ҳақиқати” вилоят ҳокимлигининг бош нашри бўлганлиги учун ҳам, унда вилоят ҳаёти нафаси уфуриб туриши керак. Газетани қўлига

олган ҳар бир газетхон вилоят ҳаётининг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиши шарт. Матбуотни бежизга жамиятнинг кўзгуси деб аташмайди. Масалан, юртимизга бирор хорижий мамлакатдан меҳмонлар ташриф буюрса, улар халқнинг турмуш-тарзи, маданий ҳаёти маънавий қадриятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш учун республикамызда чоп этиладиган газета ва журналларни варақлайдилар. Ва газета саҳифаларидаги материаллар орқали жамият ҳаёти ҳақидаги хулосалари шаклланади. Шунинг учун ҳам матбуотнинг асосий вазифаларидан бири халқ ҳаётининг ҳолис ва ҳаққоний ифодачиси эканлигида намоён бўлади.

“Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳам вилоятдаги барча жараёнларни ёритишда фаол ва объектив ахборот манбаи ҳисобланади. Бироқ газета ҳафтада икки мартаба чоп этилгани боис, бироз тезкорлик етишмаётгандек, назаримизда. Айрим муҳим янгиликлар, хабарлар ўз вақтидан кечиктирилиб, газетада икки-уч кундан кейин чоп этилади. Лекин у пайтда янгиликнинг янгилиги қолмайди, аҳамият даражаси ҳам пасаяди. Биз биламизки, жамият аъзолари энг янги ахборотларга эҳтиёж сезади. Ўз-ўзидан янгиликларни биринчилардан бўлиб тақдим этган нашрнинг аудиторияси ортиб бораверади. Демак, бу ҳолат газетанинг мавқеига ҳам катта таъсир кўрсатар экан. Шу боис, “Фарғона ҳақиқати”нинг кундалик нашрга айланишини умид қиламиз.

Иккинчи боб

“Фарғона ҳақиқати” газетасида маънавий-маърифий мавзудаги мақолаларининг контент таҳлили

Инсоният ҳамиша мукаммал жамият бунёд этиш иштиёқида яшаган ва шунга интилиб келган. Давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама мукамаллиги эса халқнинг маънавиятига, тафаккур даражасига бориб тақалади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Авваламбор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворида, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш қийин эмас”.¹

Маънавият халқни жипслаштирувчи, ривожланиш сари етакловчи, ўзлигини намоён этувчи восита бўлгани учун ҳам, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб Президентимиз “Маънавият йўқ жойда тараккиёт йўқ” деган тамойилни илгари суриб, ушбу соҳага алоҳида эътибор бердилар. Эндигина ўз қаддини тиклаб, тетапоя қадам ташлаётган халқимизнинг қорнини тўйдириш, устини бут қилиш билан бир қаторда маънавиятни юксалтиришни ички сиёсатнинг бош йўналиши қилиб олдилар.

Хўш, бунинг боиси нимада, деган ҳақли савол туғилади. Ушбу саволга мухтарам Президентимиз қуйидагича жавоб берадилар: “Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қандай бахт-саодат бўлмайди.”²

Юртбошимиз шу қадар жон қуйдириб одамлар онгига, қалбига сингдиришга уринаётган маънавият нима ўзи?

Биз маънавият ҳақида жуда кўп гапирамиз экан-у, унинг таг замирида қанча-қанча маъно мужассамлигига унчалик эътибор бермас эканмиз.

¹ Каримов И. А. Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш бугунги ҳаётнинг ўткир талаби // Халқ сўзи, 2012, 10 май.

² Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Маънавият, 1994, Б-9.

Сиртдан қараганда умумийроқ ва мавҳумроқ туйиладиган бу тушунча замирида жуда катта мазмун жамулжам экан. Аслида, бизнинг тарихимиз, бугунимиз, энг муҳими, келажагимиз, бу ҳаётда қандай яшашимиз, юриш-туришимиз, гап-сўзимиз-у, муомала-маданиятимиз, ҳар бир ҳаракатимиз, қисқаси бизнинг ички ва ташқи дунёйимиз, ютуғ-у камчиликларимизнинг барча-барчаси маънавият билан боғлиқ экан.

Келинг, маънавият тушунчасини янада аниқроқ тушуниш учун унга таъриф берилган манбаларга мурожаат этсак. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўзаги “маъно, маъни” бўлган “маънавият” сўзининг “мазмун, тушунча, ғоя, фикр” деган синонимлари ҳам мавжудлиги кўрсатилиб, “ахлоқий ҳолат, барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар мажмуи”¹ эканлиги таъкидланган бўлса, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да бу тушунчага “Маънавият – инсоннинг руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият сўзининг асосида “маъно” сўзи ётади,”² дея шарҳ берилади.

Юртбошимиз ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида маънавиятга қуйидагича таъриф берадилар: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.”³ Ушбу таърифларга эътибор бериб қарайдиган бўлсак, уларнинг барчасида инсоннинг ички дунёси ва руҳияти, ахлоқига алоҳида урғу берилган.

Дарҳақиқат, маънавиятли инсоннинг дунёқараши кенг, виждони пок, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ор-номуси кучли бўлиб, у ҳамиша ўзига ишонади, ўз мустақил фикрига эга бўлади, ҳақ-ҳуқуқини яхши билади ва уни ҳимоя қила олади, ҳалол-у ҳаром, рост-у ёлғонни фарқиға етади, ўз ахлоқи,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006, Б-565.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003, Б-255.

³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009, 19-бет.

хушмуомалалиги, инсоф-у адолати билан бошқаларга ўрнак бўлади. Бундай инсонлар кўлидан ҳеч қачон ёмонлик келмайди, улар эзгулик тарафдорлари ҳисобланади. Энг муҳими, юксак маънавиятли инсонларни асло енгиб бўлмайди! Юртимизда маънавиятнинг иқтисодий омиллардан устун кўйилганининг боиси ҳам шунда.

Биз ҳар доим “маънавият” сўзи билан ёнма-ён “маърифат” тушунчасини ҳам кенг қўллаймиз. Хўш, буларнинг орасида қандай боғлиқлик бор. Ушбу саволга ойдинлик киритиш учун маърифат сўзининг қандай маъно англатишини билишимиз зарур. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия, маориф”¹ дея изоҳланади. Демак, маърифат одамларга илм-у урфон улашиш, уларнинг қалбини зиё нурлари билан тўлдиришдир. Маърифат – бу маънавиятга олиб келадиган йўл. Маънавиятли инсон, аввало, ўзини англаган бўлиши лозим. Инсоннинг ўзини англашида эса унинг онглилик даражаси, билим савияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан кўриниб турибдики, биз маънавиятли инсон бўлишимиз учун, аввало, маърифатли бўлмоғимиз даркор. Хуллас, бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Таълимни тарбиядан ажратиб бўлмагани каби, маърифатни ҳам маънавиятдан ажратиб бўлмайди. Бу икки тушунча инсон камолотининг, халқ фаровонлигининг ва давлат мустақамлигининг асоси ва устунидир. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Куч – билим ва тафаккурда”.

Юртимизнинг янада равнақ топиши, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин эгаллаши, халқимизнинг озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши жамиятимиз аъзоларининг маънавиятига, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, таълим тизимига ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006, Б-567.

ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар”¹. Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалишида ҳам улкан омил ҳисобланади. Яна бир муҳим томони, у миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли қурол ҳамдир. Шу сабабли бугун дунё ягона глобаллашув маконига айланган, замонамиз шиддат билан ривожланаётган, мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан кучли ҳисобланган бир даврда халқимизнинг онг-у тафаккурини, маънавий оламини, мафкуравий иммунитетини ошириш энг асосий ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда республикамизда маънавий-маърифий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Бугунги кунда олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот жараёни замирида юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касб-у корга мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан асраш, уларни огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий ғоя асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли амалий ҳаракатлар мужассамдир”².

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда, унинг энг муҳим масалаларини изчиллик билан ҳал этишда, бу жабҳадаги ишларни янги босқичга кўтаришда

¹ Каримов И. А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт йўли. –Т.:Ўзбекистон, 2003, Б-54.

² Ғулом Мирзо. Конституция ва маънавият. –Т.: Маънавият, 2012, Б-5.

Президентимизнинг асарлари, қарор ва фармонлари дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан 2006 йил 26 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарор бу борадаги ташкилий ва амалий ишларни, ғоявий-услубий ёндошувларни такомиллаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорнинг самараси улароқ, жойларда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган маънавият ва маърифат ишларига эътибор янада кучайди.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг хизматини алоҳида эътироф этиш керак. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий – эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда¹.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, истиклол ва озодлик руҳи оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз фаолиятларини тубдан ўзгартиришлари зарурлигини муқаррар қилиб қўйди. Зотан, мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат ҳеч қачон ўз-ўзидан мустаҳкамланиб қолмайди, у инсон ва жамиятнинг юксак маданияти, маънавияти, маърифатига, онглилик даражаси ва тафаккурига асосланади. Шунинг учун ҳам газета ва журналлар жамият аъзоларини ахборот билан таъминловчи, уларнинг дунёқарашини ўстирувчи, маънавий оламига таъсир кўрсатувчи энг асосий воситалардан бири сифатида эътироф этилади. Зеро, “Журналист – халқнинг маънавий аскари” деган ибора ҳам айти шу мақсад ва вазифалар негизида пайдо бўлган.

Мустақиллик йилларида Фарғона журналистикаси янги бир босқичга кўтарилди, вилоят миқёсида оммавий ахборот воситаларининг сони кескин

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 134-бет.

ортиб, уларнинг фаолияти, материалларининг мавзу кўлами ва мазмун-мундарижаси доирасида туб ўзгаришлар ясалди. Хусусан, маънавий-маърифий руҳдаги материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун вилоятда фаолият юритаётган газета ва журналлар орасида маънавий ҳаётимизни ёритиш ҳамда маърифий материаллар чоп этиб, жамият аъзоларининг дунёқарашини кенгайтиришда “Фарғона ҳақиқати” газетасининг ўрни бекиёс. Газетадаги маънавий-маърифий мақолаларнинг фаолияти, асосан, ёш авлодни миллий истиклол руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда том маънодаги фидойилик ва ватанпарварлик муҳитини яратиш, юртдошларимизни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, уларни ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш, буюк тарихий хотираларимиз, аجدодларимизнинг шонли ҳаёти билан таништириш, маънавий ва умуминсоний қадриятларимиз, неча минг йиллар давомида сайқалланиб келаётган миллий урф-одат ва ибратли анъаналаримизни тарғиб этиш, ёшларни адабиётга ошно этиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Шундай юксак мақсадларни амалга ошириш учун газетада махсус “Маънавият” бўлими ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасидаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Вилоятда юз бераётган маънавий-маърифий ишлар кўлами ва маданий тадбирларни изчил равишда ёритиш;
- Адабиёт, мусиқа ва санъат соҳасида юз бераётган янгиликларни доимий бериб бориш;
- Таҳририятнинг “Маънавият” бўлимига келган хатларнинг барчаси билан бирма-бир танишиб, уларга миннатдорчилик билдириш, газета орқали жавоб хатлари йўллаш ёки тақризлар ёзиш, матнларнинг мазмунини сақлаган ҳолда мақола тарзида чоп этиш;
- Муҳим тарихий саналар, маънавият кунларига бағишлаб махсус мақолалар чоп этиш;

Ҳозирда “Маънавият” бўлими муҳаррири вазифасини тажрибали ва маҳоратли журналист Маъмура Абдурахимова бажариб келмоқда. Ушбу бўлимда фаолият юритувчи журналистлар маънавият соҳасига дахлдор бўлган бирорта мавзунини эътибордан четда қолдирмайдилар. Тадқиқотимиз давомида шуни аниқладикки, биргина “Маънавият” бўлимига бир ойда камида 40-50 та хат келиб тушар экан. Агар бу рақамларни йил ҳисобида оладиган бўлсак, бир йилда ушбу бўлим 300-400 та хатни қабул қилар экан. Хатлар билан танишиб чиқиш жараёнида уларни йўллаётган муаллифлар турли ёшдаги ҳар хил касб вакиллари эканига гувоҳ бўлдим. Уларнинг ичида мактаб ўқувчиларидан тортиб, олий ўқув юр்தларининг профессор ўқитувчиларигача, уй бекаларидан тортиб хотин-қизлар қўмитаси раисигача бўлган юр்தдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва танқидий муносабатлари битилган хатлар, мақолалар борлиги газетада кенг жамоатчилик фикри акс этаётганидан далолатдир. Шу билан бирга хатларда газетада чоп этилаётган мақолаларга муштарийларнинг муносабатлари акс этган хатлар ҳам талайгина экан. Бундан кўриниб турибдики, газета ўз мухлисларини, умуман, жамиятимиз аъзоларини мушоҳада этишга чорлай олган.

Газетада чоп этиладиган аксарият материаллар маънавий-маърифий йўналишда эканини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Ҳозир уларнинг айримларини таҳлил этиб, “Фарғона ҳақиқати” газетасида чоп этилаётган маънавий-маърифий мақолалар тўғрисида тасаввур уйғотишга ва бир қанча фойдали, керакли маълумотлар билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Айни пайтда вилоят ва унинг ҳудудларида кечаётган маданий-маърифий жараёнлар ва маънавий соҳага доир кенг кўламли ислоҳотлар “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Маънавият қошоналарида”, “Эзгу ишлар”, “Мустақиллик берган имкон”, “Истиқлол медалари”, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги учун”, “Янги китоб”, “Бобо ва набира суҳбати”, “Ибрат мактаби”, “Ватан учун яшайлик”, “Фидойилар”, “Устоз ҳақида сўз”, “Саховат”, “Мушоҳада”, “Фахр”, “Муносабат”, “Бугуннинг

гапи”, “Дилдаги гаплар”, “Меҳр оғушида”, “Байрам шодиёналари”, “Долзарб ва ҳаётбахш мавзу”, “Санъат дарғалари”, “Ораста қизлар”, “Баркамол авлод”, “Истиқлолга шукрона” каби рукнлар орқали, миллий ва маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, ўзбек халқига хос хусусиятлар эса “Мўтабар қадриятлар”, “Қадри абад қадрият”, “Қадриятлар кадрланган юрт”, “Ўзбекистон-умумий уйимиз”, “Маҳалла-ватан ичра ватан”, “Қўли гулдир ўзбек аёлин”, “Ибратли тўй”, “Хотира абадий, кадр муқаддас”, “Дунёни меҳр қутқаради”, “Ардоғимдасан, болажон”, “Бунёдкор эл-буюк эл”, “Яхшилар ёди”, “Ибратли ташаббус”, “Ватан ҳимояси-муқаддас бурч” каби рукнлар орқали ёритиб борилади.

Аслида ҳаётимизнинг ҳар жабҳаси маънавият билан боғлиқ экан, барча йўналишдаги материалларда маънавий унсурларни учратишимиз табиий. Матбуотимизда чоп этилаётган барча ижтимоий мавзудаги материаллар ҳам маънавият билан боғлиқ эканлиги барчамизга маълум. Биз газета саҳифаларидаги ҳар қандай материални мутолаа қилганимиздан сўнг ўзимизга маънавий озуқа олсак, ана шу мақола бизга нимадир бера олса, бизни мушоҳадага чорлаб, хулоса чиқаришга ундаса, демак, ушбу мақолаларнинг барчаси маънавий-маърифий руҳга эгадир.

Мазкур малакавий битирув ишида газетада чоп этилаётган маънавий-маърифий мақолаларни бир нечта йўналишларга таснифлаб таҳлил қилишни жоиз топдик.

Маънавий йўналишдаги мақолаларни:

- Маънавий қадриятларни ёритувчи мақолалар;
- Инсон руҳияти билан боғлиқ мақолалар;
- Дунёқарашни кенгайтирувчи мақолалар;
- Маънавий онгимизни юксалтирувчи мақолалар;

Маърифий мазмундаги мақолаларни:

- Буюк аждодларимиз, олимлар, шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар;

- Янги чоп этилаётган китоблар, илмий ва бадиий адабиётлар ҳақида маълумот берувчи мақолаларга таснифлаш мумкин.

Малакавий битирув иши мавзусига оид материалларни кўздан кечириш ва таҳлил қилиш жараёнида “Фарғона ҳақиқати”нинг биргина сониди 4-5 тагача маънавий-маърифий мавзуга доир мақолалар бериб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ва қуйидагича умумлашма фикрга келдик: “Фарғона ҳақиқати” газетаси саҳифаларида эълон қилинаётган материалларнинг 40-50 фоизини маънавий-маърифий мавзудаги материаллар ташкил этади. Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий мақолаларнинг жамият ҳаётида қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Истиклол йилларида мамлакатимизда ёшларни соғлом ва баркамол шахс қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз томонидан баркамол авлод орзуси йўлида олиб борилаётган бундай кенг кўламли ислохотлардан асосий мақсад ёшларимизни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бахт-у камолини кўришдан иборатдир. Бугунги глобллашув шароитида ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам кўпайиб бормоқдаки, бу бизларни фарзанд тарбияси йўлида янада эътиборлироқ бўлишга чорлайди.

“Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 12 июнь кунги сониди журналистлар Маъмура Абдурахимова ва Соҳиба Абдурахмоновалар муаллифлигида чоп этилган “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот!” сарлавҳали мақолада ҳам айтилган шу мавзу борасида фикр юритилади. Журналистлар мақолада жамиятимиз аъзоларини, ота-оналарни бугунги шиддат билан ривожланаётган мураккаб бир замонда урчиб бораётган одам савдоси, “оммавий маданият”нинг зарарли оқибатлари, тинчлигимизга раҳна солаётган терроризм, диний ақидапарастлик каби салбий иллатлардан огоҳ бўлишга чорлаб, фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифани адо этишда эътиборлироқ бўлишга ундайдилар. Чунки боланинг қандай шаклланиши, аввало, оилавий муҳитга боғлиқ. Оилавий муҳит соғлом бўлмаса, боланинг табиатида ижобий ўзгаришлар ясаш қийин. Муаллифлар шу билан бирга таълим ва тарбияни

бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, бу шарқона ҳаёт фалсафаси эканлигини айтиб, ота-оналарга қуйидагича мурожаат этадилар: “Мамлакатимизда ўғил-қизларимиз учун 12 йиллик бепул узлуксиз таълим жорий этилган. Лекин айрим ота-оналар тушунчасида 9-синфни битирган фарзандни тўлиқ вояга етган, меҳнат ва оила қуришга тайёр деган нотўғри хулоса мавжуд. Уларнинг тасаввурида умумтаълим мактабини битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома етуклик гувоҳномасидек қабул қилинади. Ҳолбуки, узлуксиз таълимнинг МАЖБУРИЙ эканлигини ҳар бир ота-она тўғри тушуниши керак.”¹ Ҳа дарҳақиқат, айрим ота-оналарнинг нотўғри фикрлашлари натижасида ўғил ёки қизлари мактабни битириши биланок, вояга етган деб ҳисоблаб, қизларини турмушга узатишга тайёргарлик қилишлари, ўғилларини эса пул топиш илинжида хорижга юбориш ҳолатлари кўп содир бўлмоқда. Мақола муаллифлари ўз фикрларини исботлаш мақсадида қуйидаги воқеани келтирадилар. Мазмуни қуйидагича: “Муаллифнинг бир суҳбатдоши айтишича, маҳаллаларида ҳали коллежни битирмаган ёшгина ўспиринни хорижга ишга жўнатиш маросими тантанали нишонланибди. Хонадонда қўй сўйилиб, элга ош берилибди. Маҳалланинг барча фаоллари ҳам шу маросимда иштирок этибдилар, лекин ҳеч ким бир оғиз бола ҳали ёш-ку, ўқишини ўқисин, деб айтмабди. Муаллиф суҳбатдошидан шу фикрингизни нимага ўзингиз айтмадингиз, деб сўраса, мен бир кичкина одам бўлсам, мени айтганларимни инобатга олишармиди, деб баҳона топибди. Минг таассуфки, орадан беш ой ўтмай, ўша йигит одам савдосининг қурбонига айланиб вафот этибди.” Бу воқеани келтириб, муалифлар ҳар бир иллат ўзимизда, маҳаллада, катта-кичик, турли доирадаги одамларда, деган фикрни илгари сурган. Тўғрида, ахир ўзбекчиликда “Маслаҳатли ош тарқалмас”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақллар бор. Ёши улуғларимиз, маҳалла фаоллари шу каби вазиятларда ота-оналарга тушунтиришлар олиб бориб, уларга тўғри маслаҳатлар берсалар айти муддао бўларди. Мақола қуйидаги хулоса билан якунланади: “Асосий масала ҳар бир билим масканида

¹ Абдурахимова М, Абдурахмонова С. Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот! // Фарғона ҳақиқати, 2013, 12 июнь.

маънавий муҳитни соғломлаштириш, “оила-мактаб-маҳалла” ҳамкорлиги энг яхши самара эканлигини унутмаслик керак. Эллик-олтмиш минг ёшни бошқариш, ўқишини тенг назоратга олиш қийин. Аммо маҳалла аҳли, раиси, фаоллари ўз ҳудудидаги мактаб, коллеждаги боласи учун қайғурса, назорат қилса, ўқишга боришини кузатса, тарбияга чақирса, ишга жойлашишига кўмаклашса яхши бўларди. Зеро, боланинг бегонаси йўқ. Улар – бизники, бутун Ўзбекистонники!”¹ Мақолани ўқигач, биз ҳам фарзанд тарбиясида энг яхши тарбиячи ота-она бўлса, унинг илм эгаллаши учун масъул шахс ўқитувчидир, маҳалла эса уларнинг зийрак кузатувчиси бўлиши керак, деган тугал фикрга келдик.

Ушбу мақола чоп этилгач, таҳририятга бир қанча мактублар келган ва уларда маҳалла фаоллари, устоз-мураббийлар, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси борасидаги фикрлари билдирилган. Улар фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифани биргаликда амалга ошириш кераклигини маъқуллаб, бунга тайёр эканликларини баён этганлар. Шу билан бирга газетада вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Нуроний жамғармаси” ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимларининг ота-оналарга, устоз-мураббийларга ва бутун маҳалла аҳлига қаратилган фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмайлик номи остидаги мурожаатлари ҳам эълон қилинган. Бундан ташқари, жойларда амалий ишлар ҳам ташкил этилиб, ушбу мавзуга бағишланган тадбир ва йиғилишлар ўтказилган. Кўриниб турибдики, газета саҳифаларидаги мурожаатлар ўз самарасини кўрсатган.

Газета саҳифаларида ёшларни ҳар томонлама маънавий баркамолликка чорлаш, уларни турли хавф-хатарлардан огоҳ этиш, ғоявий-мафкуравий тажовузлардан асраш мавзудаги мақолалар доимий равишда бериб борилади. Чунки ёшлар – келажак пойдевори. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор

¹ Абдурахимова М, Абдурахмонова С. Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот! // Фарғона ҳақиқати, 2013 йил, 12 июнь.

фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.”¹ Маънавий-маърифий мақолаларнинг тағ замирида ҳам айна шу мақсад мужассам.

“Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 13 феврал сонида ёш, иқтидорли журналистларидан бири Абдувосит Сиддиқовнинг “Келажак ташвиши” рукни остида “Ўқувчига “сотка” керакми? Ёхуд ёшлар саломатлиги ва маънавиятига чанг солаётган таҳдидлар хусусида” сарлавҳали катта мақоласи чоп этилган. Мақолада бугунги ҳаётимизда уяли алоқа воситасининг тутган ўрни, фойдали ва зарарли жиҳатлари, таълим муассасаларида мобил телефонлардан қай тарзда фойдаланиш борасида сўз боради. Шу билан бирга телефоннинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири тўғрисида мутахассислар фикри келтирилади. Мақоланинг ўзига хос жиҳати унинг алоҳида ички сарлавҳаларга бўлиб, тушунарли тарзда берилганидир. Муаллиф “Кичкина телефоннинг катта имкониятлари” сарлавҳали қисмида мобил алоқанинг ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлангани, узоғимизни яқин қилиб, ишларимизни тез ва осон бажарилишида, янгиликлардан бир зумда хабардор бўлишимизда асосий восита эканлиги, биз бир вақтнинг ўзида телефон орқали мусиқа эшитишимиз, видеороликлар кўришимиз, ўйинлар ўйнашимиз мумкинлиги, энг асосийси, интернет тармоғига бемолал кира олиш имконияти мавжудлиги ҳақида тўхталган. Лекин фикрининг якунида, телефондан алоқа учунгина фойдаланиш фойдали эканлиги, қолган имкониятлар эса кўпроқ салбий мақсадларга хизмат қилаётганини, энди ундан воз кечишнинг иложи йўқлиги, шу боис, ёшларимизга мобил телефонлардан меъёрида фойдаланиш кераклигини тушунтириш долзарб вазифамизга айланаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

“Энди ўқувчи илм даргоҳида “сотка” ишлатмайди” деб номланган кичик сарлавҳа остида эса 2012 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарор ҳамда шу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ таълим муассасаларида қай ҳолатда мобил телефондан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган. Эътиборлиси, мақолада вилоят халқ таълими бўлими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоевнинг ушбу қарор ва Низом ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, белгиланган вазифалар борасида билдирган фикрлари ҳам ўз ифодасини топган.

Шу вақтгача таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш бўйича махсус тартиб-қоидалар жорий этилмаганлиги кўпчилик учун муммо туғдираётган эди. Ушбу қарор ва Низомнинг қабул қилиниши таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ортиқча нарсаларга чалғимасдан, самарали билим олишлари учун дастуриламал бўлди. Низомга мувофиқ дарс жараёнида телефондан фойдаланиш ман этилган. Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар таълим даргоҳига кирганда телефонларини овозсиз режимга қўйишлари шарт. Ўқув жараёнида телефон орқали сўзлашиш, мусиқа тинглаш, видео кўриш, смс, ммс жўнатиш, уни стол устига қўйиш, суратга тушириш мумкин эмас. Таълим олувчиларга фақатгина зарур, асосли ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ота-онаси ёки яқин қариндошлари билан телефондан фойдаланиб гаплашишга мураббий розилигида рухсат берилади.

Бу жараённи назорат қилиш устоз-мураббийлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Чунки ўқувчиларнинг вақтларини бесамар ўтказмай, фойдали машғулотларга сарфлашларини, нималар билан банд бўлаётганликларини текшириб туриш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, самарали билим олишларини таъминлаш ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Болага уйда ота-онаси эътиборли бўлиб, унинг нималар билан шуғулланаётганидан доимо хабардор бўлса, телефонининг хотирасида нималар борлигини текшириб турса, мактабда эса синф раҳбарлари ўқувчиларнинг мобил телефонлардан қандай фойдаланаётганлигини

мунтазам назорат қилса, ёшларимиз ҳар хил ахборот хуружлари, маънавий таҳдидлар ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмайди.

Мақола ичида “Кўр-кўрона қизиқиш ва аянчли оқибатлар” деб номланган ички сарлавҳа билан берилган матнда телефондан нотўғри фойдаланиш натижасида унинг ёшлар тарбияси, соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, хавфли касалликлар пайдо қилиши мумкинлиги ҳақида бир нечта мутахассислар фикри келтирилади.

Риштон туманидаги 12-умумтаълим мактаби психологи Шухратжон Раҳимовнинг айтишича, мобил телефон кўтарган боланинг илм олишга бўлган иштиёқи албатта пасаяр экан. Унинг бу фикрга келишига уч нафар ўзлаштириши яхши ўқувчиларни кузатгани ва бир синф юқорига ўтганларидан сўнг у болаларнинг қимматбаҳо телефон олиб хулқи ҳам, ўқиши ҳам пасайганига гувоҳ бўлгани сабаб бўлган.

Ҳа дарҳақиқат, ҳозир ёшлар телефондан алоқа воситаси сифатида эмас, кўнгилочар ўйин сифатида фойдаланишни хуш кўрадилар. Замона зайли деб, ота-оналар фарзандларига фалон сўмли телефонларни олиб бераяптилар-у, лекин унинг қанчалар салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйламаяптилар. Ахир ёшларнинг айна билим оладиган, китоб ўқийдиган пайтида уларнинг олтинга тенг вақтларини ўғирлаб, бу ҳам етмагандек, онгини ваҳшийлиг-у беҳаёликни тарғиб этувчи клиплар, суратлар билан заҳарлаётган, ўз маданиятидан бегона қилиб, ёт маданиятни снғдиришга уринаётган, фикрини чалғитиб, ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартираётган ғоялар айнан мана шу телефонлар орқали тарқалмаяптими?! Муаллиф ҳам шу жиҳатларни назарга тутган ҳолда “ўқувчига “сотка” керакми ўзи? Балки улар балоғат ёшига етгунча бундай воситалардан фойдаланмаганлари маъқулдир” деган ҳақли саволни ўртага ташлайди. Бу саволга қандай жавоб бериш, хулоса чиқариш барчанинг ўзига ҳавола. Фақатгина ота-оналар фарзандларининг нурли келажаги йўлида айнан мана шу оддийгина телефонлар ҳам ғов бўлиши мукинлиги ҳақида билиб қўйсалар бас.

Болалар ёш бўлгани учун ҳам кўп нарсани фарқига бормайди. Катталарнинг вазифаси эса уларга тўғри тушунтиришлар беришдан иборат. Мақоладаги “Қандай йўл тутмоқ керак” деб номланган кичик матнда психология фанлари номзоди Мусажон Қучқоровнинг айтишига кўра бу борадаги маслаҳатлари берилган. Уларнинг айтишича, телефондан ёки интернетдан нотўғри фойдаланаётган ёшларни кўрганда, барчанинг олдида қаттиқ танбех бериб, изза қилиш ярамайди. Аксинча, уларга бунинг натижасида соғлиғига путур етиши, ўзи учун, келажаги учун зиён эканлиги аниқ мисоллар билан тушунтириш керакки, улар ўзи англаган ҳолда бу ишга қайта қўл урмасин. Масалан, шундай ўйинларни мунтазам ўйнайвериш, икки ёш болакай бедаво даражасига чалиниб қолибди ёки беҳаё роликларни кўриш менталитетимизга тўғри келмайди, сенинг ота-онанг, ака-опаларинг яхши, ўқимишли одамлар, сен ҳам уларга муносиб бўлишинг керак қабилдаги гаплар орқали таъсир ўтказиш мумкин. Бундай маслаҳатлар албатта кундалик турмушда барчамиз учун муҳим. Чунки ота-оналарнинг фарзандлари билан қандай муносабат ўрнатиши уларнинг тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади.

Муаллиф мақолани яқунлар экан, хулоса ўрнида ота-оналар ва устоз-мураббийларга мурожаат этиб, қуйидаги фикрларни билдиради:

“Азиз ота-оналар! Фарзандингиз иқболини ўйласангиз, унинг тарбиясига, саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бундай айрим кўз илғамас омилларга бефарқ қараманг. У уяли телефондан қандай фойдаланяпти, телефони флешкартасида нималар сақланган, дарсдан бўш вақтларда қандай машғулотларни бажаряпти? Буни мунтазам назорат қилиб бориш зарур. Агар бу борада бугун бефарқ бўлсангиз, эртага афсусланиб қоласиз!..

Ҳурматли устоз-мураббийлар, таълим-тарбия ходимлари. Юқоридаги қарор ва унинг ижроси сизнинг фидойилигингиз билан узвий боғлиқ. Юртимиз келажаги бугун сиз тарбиялаётган, таълим бераётган ёшлар қўлида эканини чуқур англаган ҳолда, бу масалага янада эътиборли бўлишингиз зарур.

Бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни албатта кутамиз.”¹

Ушбу мақола таҳририят жамоаси томонидан “Ойнинг энг яхши мақоласи” деб топилган ва юз минг сўм миқдорида пул мукофотига сазовор бўлган. Мавзунинг долзарблиги, масаланинг ҳар томонлама очиб берилганлиги, мутахассислар фикрлари ва маслаҳатларидан фойдаланилганлиги мақоланинг ўқишли чиқишини таъминлаган. Бугунги шароитда жамиятимиз учун бу каби мақолалар жудаям зарур. Шу боис ҳам журналистлар бундай мавзуларга қайта ва қайта қалам уришдан чарчамайдилар.

Абдувосит Сиддиқовнинг “Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 27 июль кунги сонида “Яна ёшлар тарбияси ҳақида” рукни остида “Виртуал хатардан огоҳмисиз? Ёхуд ахборот технологияларидан мақсадсиз фойдаланишнинг салбий оқибатлари хусусида” сарлавҳали яна бир мақоласи чоп этилган. Мақолада асосан дунёдаги бирорта халқнинг миллий-маънавий анъаналарига асосланмаган, ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган ва барча мамлакат аҳолиси орасига ёпирилиб кираётган “оммавий маданият” таҳдиди, интернет сайтларидан жой олган ёт ғояларнинг маънавий хуружи ва компьютерхоналардаги ур-йикит, жангари ўйинлар-у, беҳаё филмларнинг ёшлар тарбиясига таъсири борасида сўз боради.

Мақолада ҳаётий мисоллар келтирилгани, интернет ўйинларига ружу кўйиб, феъл-атвори ўзгариб қолган, одамови, жаҳлдор бўлиб қолган, тушларида ҳам алаҳсираб, “от, ўлдир, қоч” деб бақириб чиқадиган ёшларнинг ота-оналари томонидан билдирилган фикрлар янада мақоланинг таъсирчанлигини оширган. Мақолада бундай факт ва далилларга асосланган маълумотларнинг берилиши қолган ота-оналарни ҳам огоҳликка чақиради, агар бугун мен фарзандимнинг тарбияси билан жиддий шуғулланмасам, эртага менинг болам ҳам шу кўйга тушиб қолиши мумкин, деган хулосага келишга чорлайди.

¹ Сиддиқов Абдувосит. Ўқувчига “сотка” керакми? ёхуд ёшлар саломатлиги ва маънавиятига чанг солаётган таҳдидлар хусусида. // Фарғона ҳақиқати, 2013, 13 февраль.

Ёшлар кўпинча интернет сайтларига мобил телефонлар орқали киришларини ҳисобга олиб, муаллиф мобил телефонларнинг инсон организмга зарарли таъсири юзасидан ўттиздан ортиқ илмий текширувлар олиб борган олим Вини Курананинг қуйидаги хулосасини ҳам айтиб ўтади: “Мобил телефонлари тарқатадиган электромагнит тўлқинларнинг салбий таъсири чекиш ва асбест чангидан бир неча ўн баробар ортиқроқ ва зарарлироқ.” Яна таъкидланишича, такомиллашган мобил телефонлари 900 мегагерц частотали электромагнит нурланиш билан ҳатто ўчирилган ҳолда ҳам ўз эгаларининг соғлиғига жиддий зарар етказар экан. Демак, мобил телефонлардан мақсадсиз ва меъёридан ортиқ фойдаланиш нафақат маънавий оламимиз учун, балки соғлиғимиз учун ҳам жиддий хавф туғдирар экан.

Мақолада интернетнинг салбий жиҳатлари билан чекланиб қолмай, унинг ижобий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу борада муаллиф қуйидаги фикрларни баён этади: “Аслида интернет тармоғидан катта билим ва ахборот олиш мумкин. Фақатгина керакли билимларни топиб, саралаб олишни билиш лозим. Яхшини ёмондан, оқни қорадан фарқлаш учун эса ёшлар онгига маънавият уруғларини экиш даркор. ... “Ziyo.net” портали ва бошқа тарбиявий аҳамиятга эга, билим олишга кўмаклашувчи сайтлар айнан ёшларимизни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Улардан оқилона фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ.”¹ Ҳа дарҳақиқат, интернетнинг имкониятларини санасак, адоғига етмайди. Фақатгина биз ундан ўз ўрнида фойдаланишни билсак бас. Агарки, ёшларимизнинг маънавий дунёси кенг, мафкуравий иммунитети кучли бўлар экан, интернетдаги менталитетимизга ёт ғоялар ҳеч қачон уларни асир эта олмайди.

Газетада бу каби мақолалар доимий равишда чоп этилишига қарамай, барибир ёшлар орасида мобил телефонлардан ёки интернетдан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари тобора авж олиб борса бормоқдаки, камайганича

¹ Сиддиқов Абдувосит. Виртуал хатардан огоҳмисиз? Ёхуд ахборот технологияларидан мақсадсиз фойдаланишнинг салбий оқибатлари хусусида. // Фарғона ҳақиқати, 2013, 27 июль.

йўқ. Телефонларнинг янада кўпроқ имкониятларга эга бўлган янги русумлари чиққани сайин, ота-оналар ҳам фарзандларига энг янги русумларни сотиб олиб беришдан чарчамаёптилар. Фикримизча, газетада янада таъсирлироқ, жамият аъзоларининг ўзини хулоса чиқаришга ундовчи мақолаларни кўпайтириш керак. Яна бир томони, факт газетада мақола чоп этиш билан ҳам иш битмайди. Бу масалани ҳал этишда ота-оналарнинг роли жуда ҳам катта. Чунки боланинг асосий тарбияси оилавий муҳитда шаклланади. Газета эса уларни огоҳлантирувчи восита вазифасини ўтайди. Демак, бу йўлда доимо сергак ва огоҳ бўлиш давр талаби.

Гап фарзанд тарбияси борасида кетар экан, газетанинг 2013 йил 19 июнь сониди журналист Соҳиба Абдурахмонованинг “Фарзандлар ва биз” рукни остида чоп этилган “Болангизни тергаманг” сарлавҳали мақола ҳам эътиборга молик. Мақола асосан мутахассислар яъни ўқитувчи, тарбиячи ва психолог маслаҳатлари асосида тайёрланган бўлиб, унда болани ёшлигида қандай тарбия қилиш, қандай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида фойдали маълумотлар берилган.

Биз кўпинча ёш болаларга кундалик турмушда “уни қилма, буни қилма, югурма, кўп савол берма, бошингни қашлама, тўғри юр” каби жумлаларни кўп ишлатамиз, кўп таъқиқлар қўямиз. Мақолада шу нарса тўғрими ёки нотўғри эканлиги ҳақида сўз боради.

“Бола номи билан бола. Болани эркин қўйиш керак. Тергайверилса, ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган, ортиқча ҳаракат қилишдан кўрқадиган бўлиб қолади,”¹ – дейди вилоят 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси Соҳиба Раҳимова. Тарбиячи Лобар Дадажонова эса: “Кичкинтой пичоқни ўйнаса, шиша синиғини ушласа, сумкани бошига кийса нима бўлади – буларнинг барчасини билишни хоҳлайди. Биз катталар буни тартибсизлик ва безориликка йўямиз. Бола учун бу бу ҳолатлар оламни ўрганишга бўлган иштиёқ натижасидир. Бу ҳаракатларнинг оқибати бизга аниқ бўлса,

¹ Абдурахмонова Соҳиба. Болангизни тергаманг. //Фарғона ҳақиқати, 2013 йил, 13 июнь.

фарзандимиз учун номаълум. Шунинг учун ундаги кўрқинч ҳиссини кизиқувчанлик мағлуб этади,¹ – дея ўз фикрларини билдиради. Бу борада психолог Ширин Мустафоева ҳам қуйидагиларни баён этади: “Таъқиқларни бола ота-онасидан кўрққанидан эмас, хатолигини тушунганидан қилгани фойдали (менимча, қилмагани дейилмоқчи бўлган). Фарзандларимизга ўзини-ўзи назорат қилишни ўргатишимиз лозим. Тергашни юмор, ҳазил аралаштириб айтсангиз болага ижобий таъсир этади. Таъқиқ кучли бўлса, унда тескарисини қилиш истаги кучаяди. Боланинг “мен”и шакллана бошлаган пайтда таъқиқлар қўйсангиз, у “мумкин эмас”ларни яширин қилишни бошлайди.”²Тўғри, бундай жараёнлар барчамизнинг бошимиздан ўтган. Ота-онамиз “қилма” деб таъқиқлаган нарсани яшириб бўлсада қилишга уринганмиз барчамиз. Шунинг учун ҳадеб қуруқ “уни қилма, буни қилма” дегандан кўра, болага нима учун бу ишни қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси ота-оналар учун, айникса, ёш оилалар учун жуда муҳим. Чунки улар ҳали фарзанд тарбияси борасида тажрибага эга бўлмайдилар. Болани улғайтиришда одам психолог бўлиши керак, шу билан бирга бола психологиясини ҳам яхши билиши лозим. Шундагина қачон, қай ҳолатда, қандай муносабат қилишни фаҳмлаб, фарзандининг эсли-хушли бўлиб камолга етишини таъминлайди. Газета саҳифаларида чоп этилаётган бу каби мақолалар эса уларга ёрдам беради.

Мақолада муаллиф фақатгина кириш қисм ва хулосани ўзи баён этади. Асосий қисмда эса мутахассисларнинг интервьюлари берилади. Мақолани ўқиган газетхон худди ўша мутахассислар билан суҳбатлашаётгандек ҳис қилади ўзини. Қолаверса, мутахассис фикри ва маслаҳатлари муаллифнинг ўзи айтганидан кўра ишончли ва таъсирлироқ чиқади. Агар муаллиф бу мавзу юзасидан ота-оналарга ўзи маслаҳат берганида панд-насихатга ўхшаб

¹ Абдурахмонова Соҳиба. Болангизни тергаманг. //Фарғона ҳақиқати, 2013 йил, 13 июнь.

² Ўша манба.

қоларди. Шу маънода унинг танлаган услуби мақола муваффақиятини таъминлаган.

Жамиятимиз аъзоларини мушоҳадага чорловчи, хулоса чиқаришга ундовчи мақола сифатида Камола Полвонованинг “Бирни кўриб фикр қил...” рукни остида “Ҳаёт қадри ёки вилоят наркология диспансерида бир кун...” сарлавҳали мақоласини олиш мумкин. Мақола газетанинг 2013 йил 19 июнь кунги сонидида чоп этилган бўлиб, унда ҳаёт йўлларида адашган, тақдир зарбаларига чидай олмай ичкилик йўлини танлаган, “тўқликка шўхлик” қилиб нотўғри йўлдан юрган инсонларнинг аччиқ қисмати ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга наркология диспансеридаги шароитлар ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Муаллифнинг ушбу мақолани ёзишдан мақсади битта, бу ҳам бўлса, боши берк кўчага кириб қолиб, ҳам ўзини, ҳам оила аъзоларини қийин аҳволга солган инсонларнинг аянчли тақдирлари, яқинларининг чеккан заҳмат-у қайғулари ҳақида сўз юритиб, қолганларни фикрлашга ундаш, бу йўлдан қайтариш, диспансерда даволанаётган беморларнинг сўнгсиз пушаймонларини ифода этиш орқали ичкиликбозлик, чекиш нақадар нотўғри йўл эканлигини билдиришдан иборат.

Турмуш ўртоғи ичкиликка ружу қўйиб, ўзини ҳам, фарзандларини ҳам тинмай калтаклашини, отасидан қўрққан болалар доим томга чиқиб яшириниб олишларини, эрининг ҳақоратларига чидай олмай тонггача йиғлаб чиқишини алам билан сўзлаб бераётган аёлнинг суҳбати одамни таъсирлантирмай қўймайди. Ёки онасидан эрта айрилган фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, ҳеч кимдан кам қилмасдан ўстирган отанинг охир оқибатда, боласи кўча дайдисини ва безорига айланиб қолгани ҳақидаги изтиробли ҳикояни ўқиб, беихтиёр ўша нобакор фарзандга лаънатлар айтиб юборади киши. Мақоланинг ютуғи ҳам шунда. Уни мутолаа қилган газетхон спиртли ичимликларнинг оқибати нималарга олиб келиши ҳақида яққол тасаввурга эга бўлади ва ўзига яраша хулоса чиқаради.

Муаллиф мақола якунида қуйидаги фикрларни билдиради: “Бундай тақдир эгалари сизнинг, бизнинг маҳалламизда учраб туради. Яқин

қўшнимизнинг бирор жойда маст ҳолда ётганини кўрсак, бир қадам наридан ўтиб кетамиз. Отаси, онасининг “алкаш”, “ғиёҳванд” деган номи учун совчи келмаётган ёки бахтсиз бўлган қизларга ачинамиз. Ёхуд ўғли ота “касб”ини танласа, “шафтолининг тагига шафтоли тушибдида” деган изтехзо тилимизга кўчади. Улардек бўлмасликка тиришамиз, баъзан муомила қилмаймиз ҳам. Юқоридаги “қаҳрамон”лар орасида ҳам “маҳалладагилар тадбирларга айтмайди, бизга паст назар билан қарашади” деган фикрлар билдирилди. Шу ўринда маҳалла фаолларига эътирозимиз бор. Халқимизда “ўзаро ҳурмат”, “қўшнилар ёрдами”, “маҳалла ҳамжиҳатлиги” деган тушунчалар борки, уларга ачинишимиз эмас, маънан кўмагимиз зарур бўлади.”¹ Биз ҳам муаллифнинг фикрларига қўшиламиз. Бундай инсонларга салбий муносабатда бўлиш уларни янада кўпроқ тушқунликка тушириб, ичкиликнинг меъёридан оширишларига сабаб бўлади. Шу боис уларни тўй-у маъракаларга қўшиш, маҳаллада ўзига яраша ўрни борлигини сингдириш мақсадга мувофиқдир. Ўшанда уларнинг озгина бўлса-да ҳаётга бўлган қизиқиши ортади, бу йўлдан қайтиши ҳам осонроқ бўлади. Мақолани мутолаа қилиб, онгли равишда уни тушунган юртдошларимиз бундан кейин атрофларидаги бу каби инсонларга ўзгача муносабат билдирадилар деб умид қиламиз.

Ҳозир замон кун сайин ўзгариб бормоқда. Замонга мувофиқ дунёқарашимиз, руҳиятимиз ва одатларимиз ҳам ўзгармоқда. Ҳар турли ўзгаришлар аро энди ўзимиз ҳам лол-у ҳайронмиз. Ўзгаришларнинг ижобийларику ўз фойдамизга, лекин баъзи салбий томонга ўзгараётган одатлар бир қанча иллатларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, тўй маросимларидаги ортикча дабдаба-ю, ўз зараримизга кашф қилаётган расм-русумларимиздан яна ўзимиз азият чекмоқдамиз.

Маъмура Абдурахимова муаллифлигида “Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 29 май, чоршанба сонидида чоп этилган “Кўнгил буюрган мавзу” рукни

¹ Полвонова К. Ҳаёт кадри ёки вилоят наркология диспансерида бир кун. // Фарғона ҳақиқати, 2013, 19 июнь.

остидаги “Омонмисиз, боши тўйдан чиқмаган одам...” сарлавҳали мақолада айти шу мавзуда сўз боради. Муаллиф бебаҳо миллий кадриятларимиздан бири ҳисобланмиш тўй маросимлари ҳақида фикр юритар экан, бугунги кунда тўйларга сарфланаётган харажатлар, одамларнинг ўзи тўқиб чиқараётган расм-русумларнинг ҳашамати меъёридан ошиб кетганлигини, айрим кимсалар эса бу ҳолатга кўнгил иши деб қараб, пинагини ҳам бузмай, ёқимсиз одатларнинг йўлбошчисига айланаётганларини куюниб гапирди.

Ўзбек тўйларини бошқа халқларнинг тўй маросимлари билан солиштирар экан, ҳаттоки, уларнинг ҳақиқий тўй кунларидаги базм бизнинг “фотиҳа тўйи” мизчалик ҳашаматга эга эмаслигини таъкидлаб ўтади.

Асрлардан асрларга малолсиз узатилиб келинаётган анъаналарнинг бугунги кунга келиб сал бошқача тус олаётганлигини қуйидаги мисоллар орқали изоҳлайди: “Илгарилари, аниқроғи ярим аср муқаддам келин от араваларда ҳасрат тўла тугунларибилан куёвнинг уйига кузатилса, бугунги замон келинчаги афсонавий оқ тулпорни эслатувчи машиналарда уч-тўрт уй тўладиган мол-мулки билан куёвнинг уйига кириб боряпти. Бир маҳаллар қудаларга тўққиз тортар аталмий ширмон патиргина юборилган бўлса, ҳозирги кунда қирқ тоғорада тансиқ таомлар-у, саватларда нонларнинг, меваларнинг гулчехралари жўнатиляпти. Ҳеч бир юртнинг шахзодалари ҳам куёв бўлганида ўзбек йигитчалик иззат-икром, манзират кўрмайди, дея хитоб қилган кайвони онажонимиз ҳақ бўлсалар ажаб эмас. Зеро, куёвни пайғамбаримиз ҳам сийлаганлар деган эҳтиромни тез-тез такрорлаб турадиган оилаларнинг саноғига етолмаймиз. Аммо бу сийловларнинг аксарияти чин юракдан, самимият билан кўрсатилмайди, болам тинч яшасин деган ховотирлар ўрмалаб чиқаверади кўнгилдан. Илтифотлар, тавозелар сохталашгани сайин ўртада оқибатнинг нозик ришталари узилади.”¹ Ҳа дарҳақиқат, бугунги кунги янгича урф-одатлар кўпгина оилаларни қийнаб қўяётганлиги ҳеч кимга сир эмас. “Халқдан орқада қолмаслик керак, ҳамма

¹ Абдурахимова М. Омонмисиз, боши тўйдан чиқмаган одам... // Фарғона ҳақиқати, 2013, 29 май.

қилганидек қилиш керак, фарзандимни ўқситмаслигим керак” қабилидаги тушунчалар ота-оналарнинг онгига сингиб қолгани учун, улар қийналиб, қарз кўтариб бўлса ҳам тўйларни бекам-у кўст ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Баъзи ҳолатларда келиннинг мебели-ю сарпоси куёв тарафга маъкул келмагани боис дил хираликлар ҳам юзага келмоқдаки, бу ахлоқгарчиликдан ўзга нарса эмас. Ахир икки ёшнинг бахти ҳамма нарсадан муҳим эмасми? Нима учун катталар шуни тушунишга ҳаракат қилмайдилар. Газетада чоп этилаётган мақолаларнинг мақсади ҳам шу: катталарга қилаётган ишлари нотўғри эканлигини тушунтириш.

Мақолада “эндигина ўттиз ёшга тўлиб, сочларига оқ оралаган, ҳаёт ташвишлари нигоҳларини улғайтириб кўйган” дея таърифланган бир йигитнинг суҳбатини ўқиб, кўзларимга ёш келди. Йигитнинг айрим фикрларини келтиришни жоиз топдим: “Тўй мен учун бир дардга айланди. Отам беш қизни узатиб, мени уйлантириб кўйган йили қазо қилдилар. Менга сўнгги васияти шу бўлди: болам, ёш бўлсанг ҳам сенга ишонаман. Опаларингни ташлаб қўймайсан. Тўй-тўйчиғида, ҳар қандай тадбирида ота бўлиб ёнларида турасан... Отамнинг васиятларига биноан опаларимнинг суннат тўйларида (опаларим ўғилларига суннат тўй қилганларида дейилиши керак) сўқим етаклаб бордим, Қиз узатиб, ўғил уйлаганларида каттагина камини кўтараман. Эндиликда руҳан чарчаганимни, беҳуда сарф-харажатлар хабарини эшитишга тоқатим етмаётганини ҳис этяпман. Отам бечора боши тўйдан чиқмаган одам Самарқанд-у Бухорони кўрмаган. Курорт, саёҳатларга бормаган. Тўй қиламан, сандиқ-сандиқ сеп йиғаман деб онамнинг ҳам меҳнатдан қўли қабарган.” Яна йигит фикрларини давом эттириб, Кореядаги бир танишининг тўйида бўлгани, уларда тўйлар умуман ўзгачалигини, моддий имконияти бўлса ҳам, дабдабага учмасликларини, уларни кўриб кўз ўнгида серчиқим тўй қилиб, кейин дастурхон четида пурғам ўтирган, нимтатир чойни хўплаб хаёл сураётган отаси гавдалангани ва кўзига жиққа ёш тўлганини алам билан сўзлаган. Бундай ортиқча сарф-харажатлар-у, тўкиб-сочиш керак деган ахлоқона бидъатлардан ҳозироқ воз кечиш керак

деган кескин фикрларни билдирган. Биз ҳам ушбу фикрга 100 фоиз қўшилаемиз. Чунки ҳаммамизнинг ота-онамиз ҳам фарзандларимни бахтли қиламан деб, худди юқоридаги отахон каби ўз умрларини меҳнатга бахшида этмоқдалар.

Ушбу мақола чоп этилганидан сўнг тахририятга бир қанча газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазалари битилган мактублар келган. Уларнинг барчаси ортиқча дабдабазликка қарши. Айрим мактубларда юртдошларимиз айнан мана шу масала билан боғлиқ ўз бошларидан ўтган воқеаларни, ниҳоятда қийналганларини ёзиб, тахририятдан шу каби мақолаларни кўпроқ чоп этиб, жамиятимиз аъзоларини тўғри хулоса чиқаришга ундашларини илтимос қилганлар.

Бугунги кундаги яна бир долзарб масалалардан бири қизларнинг ёш турмушга узатилиш ҳолатлари билан боғлиқ. Ушбу масала юзасидан, юртимизда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари томонидан кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда ва натижада барвақт никоҳларнинг олди олинмоқда. Соҳиба Абдурахмонованинг “Қизингизни эрта узатманг” номли мақоласида ҳам вилоятдаги бу борада олиб борилаётган ишлар, қизларни эрта турмушга узатиш натижасида келиб чиқаётган муммолар хусусида сўз юритилган. Мақоладан кўзланган асосий мақсад, ота-оналарни бундай камчиликларга йўл қўймасликка чақириш, эрта турмушнинг олдини олишдан иборат. Мақолада баъзи ота-оналарнинг тезроқ тўй қиламан, невара кўраман, фарзандимни бахтли қиламан деб, аксинча уларни бахтсизлик гирдобига ташлаётганликлари, 16 ёшли қизалоқ келин бўлганидан сўнг рўзғорни эплайдими, қайнона-қайнотанинг хизматини қиладими, бошқоронғуликни кўтарадими, муросани ўрганадими дея ўртага ташланган саволлар, ҳали ўзи гўдак бўла туриб, гўдагини бағрига олаётган, баъзан эса бағрига боса олмай эрта хазон бўлаётган қизлар тақдири ҳақида келтирилган фикрлар барчани тўғри хулоса чиқаришга чорлайди. Дарҳақиқат, қачонки ёшларимиз турмуш

куришга ҳам жисмонан, ҳам маънан тайёр бўлар эканлар, ўшандагина мустаҳкам оила барпо этишга эришишлари мумкин.

Мақолада кўпроқ ахборийликка эътибор берилгани ва таҳлилийлик этишмагани боис таъсир даражаси паст. Бу мавзунини ёритишда ҳаётий воқеалар, мисоллар келтириб, эрта турмуш натижасида тўлиқ бахтга этишолмаган, туғруқни кўтаролмай нобуд бўлган қизлар тақдири ва қилган ишидан доғда қолган, минг пушаймон чеккан ота-оналарнинг афсуснадоматлари берилса, ўшанда таъсири ҳам юқори бўлади.

Газетадаги мақолаларни таҳлил этиш давомида “Одам савдоси-олам муаммоси” руқни остида бериб борилаётган мақолалар эътиборимизни тортди. Бугун ушбу жирканч жинойтдан азият чекаётган мамлакатлар талайгина. Минг афсуски, бизнинг юртимизда ҳам ёлғончи кимсаларнинг алдовларига учиб, бу жинойт жабрдийдаларига айланиб қолаётганлар йўқ эмас. Шу боис ҳам ҳамюртларимизни огоҳликка чорлаш, нокас кимсаларнинг ёлғонларига ишониб қолмасликларини таъминлаш мақсадида газета саҳифаларида доимий равишда ушбу мавзуга доир мақолалар бериб борилмоқда.

Газетанинг 2013 йил 21 сентябр кунги сонидан чоп этилган “Ёт юртларда умри хазон бўлганлар...” номли мақолада мўмай пул топиш илинжида хорижга ишлагани бориб, турли азобларни бошдан ўтказган, қанча қийинчиликлар билан зўрға уйига етиб келган юртдошларимиз надоматлари ҳамда ўзга юртда умри хазон бўлган бир нечта навқирон йигитларимизнинг аччиқ қисматлари қаламга олинган. Мақола муаллифи Зоҳид Абдулла мана шундай қисмат қурбони бўлганлардан бир нечтасининг аниқ исм-фамилияларини келтириб ўтади. 2-август кунги “Домодедова-Фарғона” йўналишида учиб келган самолётда Бувайда туманида яшовчи Манзура Эргашеванинг, Ёзёвон туманида истиқомат қилувчи Лочинбек Мусаевнинг жонсиз жисми келганлиги ушбу хонадонларга чексиз мусибат олиб кирганини айтар экан, буларнинг исмини эслаш орқали яқинлари ярасини янгиламоқчи эмаслигини, балки, бундан юртдошларимиз тўғри хулоса

чиқаришларини назарда тутганини айтади. Мақола куйидаги фикрлар билан якунланади: “Аслида ишлаб пул топиш учун юртимизда шароит етарли. Хорижга йўл олиш ўрнига Ватан ободлигига ҳисса қўшиш афзалроқ. Энг муҳими, ўз элингда хотиржамлик, ҳаловат, меҳр-оқибат бор. Ота-она дийдори, фарзандлар камолини кўриб, тинчгина меҳнат қилишдан ўзга бахт йўқ, аслида.”

Худди шу мазмундаги мақолалар сирасига газетанинг 2013 йил, 18 декабрь сонидида чоп этилган “Ой бориб, омон қайтмаганлар”, 2013 йил, 24 августда чоп этилган Маъмура Абдурахимова муаллифлигидаги “Залолат занжири”, 2013 йил 3 апрель куни чиқарилган “Гумроҳлик исканжасида ёхуд ўз кизини ёт юртларга сотган ота”, 2013 йил 8 июнь кунги сонда чиққан “Ота надомати ёхуд хорижга кетиб, пушаймон бўлганлар қисмати” каби мақолаларни киритиш мумкин. Ушбу мақолаларда ҳам одамни хайратга соладиган воқеалар келтирилган бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек мақсад битта: шояд буни ўқиб катта пул ваъдасини эшитиб, хорижга кетишга жамадонини тайёрлаб қўйган юртдошларимиз ўз аҳдидан қайтсалар, шояд интернетдаги ёлғон алдовларга ишонган қизларимиз, йигитларимиз қайтиб ўша тармоққа уланмасалар...

Мақолаларни мутолаа қилар эканман, уларда аниқ исм-фамилиялар билан келтирилган реал воқеалар мени хайрон қолдирди. Айни ҳақиқат ёзилгани учун ҳам мақола жуда таъсирли чиққан. Уни ўқиган ҳар бир киши мақоладаги “қаҳрамон”ларнинг тақдирига ачинади, асло бундай воқеалар ўз оиласи бошига тушмаслигини худодан тилайди, хорижда ишлаш деган хаёлларни умуман миясининг бир чеккасига ҳам яқинлаштирмайди. Мақоланинг ютуғи ва самараси ана шунда.

Маъмура Абдурахимованинг 2013 йил 17 августда чоп этилган “Ёз гигиенасини унутганлар ёхуд айрон савдоси можароси” номли мақоласида ҳам долзарб мавзу олиб чиқилган. Муаллиф мақолани гигиена қоидалари, озодалиқ ҳақидаги умумий фикрлар билан бошлайди ва бугунги кунда гигиена қоидаларига амал қилиш анча сусайганини ўзи гувоҳ бўлган бир

нечта воқеалар мисолида келтириб ўтади. Айрон сотаётган ўспирин боланинг бир харидарга қуйиб берган айронидан қора пашша чиқиб қолиши, кўлқопсиз кабобнинг қиймасини аралаштириб сихларга жойлаётган кабобпазга норозилик билдирган бир харидорнинг у билан тортишиб қолиши шулар жумласидандир. Албатта, бундай хунук воқеалар одамнинг таъбини хира қилади. Сир эмаски, бугунги кунда шаҳар кўчаларида, бозорларда, одам гавжум бўладиган йўлакларда хонаки тайёрланаётган озиқ-овқатлар, сомса, перашкилардан тортиб салқин ичимликлар тайёрлаб сотувчилар кўпайиб кетган. Муаллиф уларнинг қай даражада гигиена қоидаларига риоя қилишини, рухсатномага эга ёки эга эмаслигини вилоят санитария эпидемиология назорати маркази маълумотлари асосида ўрганиб, аниқ факт ва далилларга асосланган маълумотларни газетхонга тақдим этади. Шу билан бирга марказ томонидан ўтказилган мониторинг натижаларини ҳам келтириб ўтади. Унга кўра вилоятдаги қайси бозорлар санитария талабига жавоб бермаслигини ва уларга қарши кўрилган чораларни ҳам баён этади. Гигиена қоидаларига риоя этмасликда, аввало, катталарни айбдор деб ҳисоблайди ва фикрининг якунида маънавият асосларини жадаллик билан тарғиб қилаётган бир жараёнда гигиеник одоб мавзусига ҳам муфассалроқ тўхталиш кераклигини, бунинг асосида соғлом турмуш тарзи ётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Шояд мақолани мутолаа қилгандан сўнг сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бу борада эътиборлироқ бўлсалар, гигиеник қоидаларга риоя қилиб, сотувчилик ва харидорлик маданиятини ўзларида шакллантирсалар.

“Фарғона ҳақиқати”нинг 2013 йил 14 август сонида тажрибали журналист Ботир Мадиев томонидан “Вилоят ҳокимлиги ташаббусига кўра” рукни остида чоп этилган “Бу масканлар гўзаллиги – қалбимиз чиройидан” сарлавҳали мақола кўпчилиكنинг эътиборини жалб этган. Мақола энг пок масканлардан бири, бир кун келиб барчамизнинг борар жойимиз ҳисобланмиш қабристонларнинг бугунги кундаги аҳволи ҳақидадир. Муаллиф мустақиллик шарофати билан барча қадамжо ва

зиёратгоҳларимизнинг қайтадан таъмирланганлиги, ҳозирда қабристонларни ҳам ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қувончли ҳолат деб айтади. Бизнинг бу озод кунларга эришишимизни қанча орзу қилган ва баҳоли қудрат ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг қўним топган манзилларини обод этиш барчамизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлайди. Шу ўринда вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги қабристонларнинг ҳолати, у ерларда олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталади. Даставвал, ўз ишига масъулият билан ёндошиб, ўз ҳудудидаги қабристонларни доимо тозалаб, озодалигини таъминлайдиган, узлуксиз равишда ҳашарлар ўтказиб, барчага ибратли бўладиган туманлар ҳақида сўз юритилади. Қабристон назоратчиларининг амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикрлари келтирилади. Кейин эса қабристонлари ачинарли аҳволга тушиб, ўт босиб кетган, сув, электр энергияси билан таъминланмаган туманларга бирма бир тўхталинади. Ўрганишлар натижасидан олинган барча камчиликлар айтилади. Бундай аҳволнинг сабабини МФЙ фаолларини суҳбатга тортиб сўраганларида, улар аҳолининг ҳашарга чиқмаслигини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Мақолани ўқиб, хаёлимга бир фикр келди, агар ҳамма ўз яқинларининг қабрларини зиёрат қилиб, ўт-ўланларини тозалаб, ён-атрофини супуриб-сидириб кетса, бу муаммо осонроқ ҳал бўларди. Ахир бу жуда катта савоб-ку! Мана шу қабрларга қараб, одамлар уларнинг яқинларига ҳам баҳо берадилар. Шундай экан, мақоладан тўғри хулоса чиқарган газетхонларимизнинг ўз яқинлари қабрларини бир зиёрат қилиб, тозалаб келишларига умид қилиб қоламиз. Зеро, юртбошимиз айтганларидек, ушбу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилганда, одамнинг руҳи покланади. Руҳий поклик эса маънавиятлиликдан далолат. Демак, бу қайсидир маънода бизнинг маънавиятимиз билан боғлиқ экан.

Газетанинг 2013 йил 15 октябрь сонида чоп этилган “Дунёни меҳр қутқаради” рукни остидаги “Яхшилик қайтади” номли мақола жуда оддий, лекин таъсирли чиққан. Мақола қуйидаги саволлар билан бошланади:

“Кимсиз ўзи? Нега бунча олийҳимматсиз? Исмингиз нима? Қаерда ишлайсиз?” Кейин эса ушбу саволларга муаллифнинг ўзи жавоб беради: “Сиз эса ўзингизни таништирмайсиз, кимлигингизни айтмайсиз, фақат болалар учун нима камлигини кўнғироқ қилиб сўрайсиз-да, маълум бир вақтдан кейин ўша нарсаларни ташлаб кетасиз.” Ана энди гап нима ҳақида кетганлигини тушундик. Мақолада ана шундай бағрикенг, саховатпеша инсонлар ҳақида сўз боради. Мақолада Фарғона шаҳар “Меҳрибонлик уйи” бошлиғи Ёкутхон Асқарованинг шундай ҳимматли ҳамюртларимиздан бир нечтасининг ёрдамлари ҳақидаги фикрлари ҳам берилади. Мақолада бундай инсонларга қарата қуйидаги фикрлар айтилади: “Биз сизни кимлигингизни билмаймиз, лекин хайрли амалларингиз умрингиз, ҳаётингизни беаётганлигини биламиз. Сизни оддийгина қилиб ЯХШИ ОДАМ деб атайдилар. Бор бўлинг, кимлигини айтмаган яхши одамлар.”¹

Мақола инсоннинг қалбига кириб боради ва уни ҳам хайрли ишларга, яхшиликка чорлайди.

Газетамиз саҳифаларида бундай мақолаларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг барчасида жамият аъзоларини эзгуликка чорлаш, тўғри йўлга бошлаш, огоҳликка даъват этиш, мулоҳазага тортиш, маънавий оламини юксалтириш ва бахтли, тинч, фаровон ҳаёт кечиришлари учун ўз ҳиссасини қўшиш мақсади мужассам. Умуман, “Фарғона ҳақиқати”да мунтазам бериб келинаётган маънавий-маърифий мақолаларни таҳлил қилиш давомида қуйидаги хулосага келдик: газетада фаолият юритаётган журналистлар бор куч ва имкониятларини ишга солиб, барча мавзуларни қаламга олишга, газетхонларнинг эҳтиёжини қондиришга, долзарб, муаммоли масалаларни ҳам иложи борица ижобий ҳал этишга ва ҳамюртларимизнинг дилидаги гапларни газета саҳифаларида акс эттиришга, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин айрим йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам бартараф этилса, нур устига нур бўлур эди.

¹ Абдурахмонова С. Яхшилик қайтади// Фарғона ҳақиқати, 2013, 15 октябрь.

Учинчи боб

Маънавий-маърифий материалларнинг шакл ва усуллари

“Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсонларимизнинг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур, фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратни узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.”

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари бугунги мураккаб замонда журналистлар олдидаги вазифаларни ҳамда уларга қўйиладиган талабларни белгилаб берган десак, хато бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирги кунда ғоявий мухолифларимиз, маънавиятимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, “оммавий маданият” шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда. “Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб ташлай олмайди. Айни пайтда, аҳвол шундай экан деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди. Бундай таҳдидларга жавобан биз ҳам содда бўлмасдан, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак. Бунинг учун бизга юксак маънавиятимиз ва интеллектуал салоҳиятимиз асосий қурол вазифасини бажаради. Зеро, Юртбошимиз “Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маърифати ва маънавий комиллиги ҳақида ғамхўрлик қилмоғи лозим”¹, - деб бежиз таъкидламаганлар. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бугун маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётган бир паллада журналистларимиздан маънавий-маърифий тарғибот ишларининг фаол воситачисига айланишлари талаб этилиб, уларнинг зиммасига халқнинг маънавиятини оширишдек, ғоявий таҳдидлардан асрашдек масъулиятли вазифа юклатилмоқда.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998, Б-37.

Бу улкан масъулиятнинг бир қирраси журналистларимизнинг материалларидаги тил, услуб масалалари ҳамда уларнинг маҳорати билан боғлиқдир.

Малакавий битирув ишига оид материалларни таҳлил этиш жараёнида маънавий-маърифий мақолаларнинг тили, услуби ва ундаги журналист маҳорати масалаларини алоҳида ўрганиб чиқдик.

Газеталардаги бошқа тур материаллардан фарқли улароқ, маънавий-маърифий мақолаларнинг тили ўта равон, тушунарли, таъсирли, одамнинг хиссиётини жунбушга келтирувчи, бадиий-эстетик завқ берувчи бўлиши лозим. Ўта мураккаблилик ортиқчалик қилади. Зеро, жамият аъзоларига тақдим этилаётган мавзу халқчил, оммабоп бўлиши билан бир каторда, уларни мулоҳазага чорлай олиши керак.

Барчамизга маълумки, журналистнинг асосий қуроли – сўз. Ушбу сўз орқали борни йўқ қилиш, йўқни эса бор қилиш, инсоннинг кўнглига кириб бориш, уни ўзгартириш имкони бор. Фақатгина уни қачон, қандай қўллашни билиш керак. Бу ҳақда устоз адиб Ўткир Ҳошимов шундай деган эдилар: “Сўз жуда катта қурол. Катта қуролнинг масъулияти ҳам катта бўлади.” Шундай экан, бирор бир муаммоли, таҳлилий мавзунини ёритишда, унинг келиб чиқиши, сабаблари, жамиятга таъсири ва ечимини кўрсатишда бу қуролдан оқилона фойдаланиш керак.

Журналист жамият учун муҳим, долзарб бўлган мавзунини танлагач, аввало, уни таъсирли ифода этиш учун мақбул бир шаклни яъни жанрни танлайди. Маънавий-маърифий материаллар кўпинча мақола, лавҳа, очерк каби жанрларда ифода этилади. Материалнинг тили ва услуби ҳам жанр хусусиятларидан келиб чиқади. Биз сўз юритмоқчи бўлганимиз маънавий-маърифий мақолаларнинг тили ва услуби ҳам ўзига хос.

Аввало, мақола жанри хусусида озроқ тўхталиб ўтсак.

Мақола – таҳлилий публицистиканинг марказий жанри ҳисобланиб, арабча “айтилган сўз” деган маънони англатади. Мақолада муайян мавзу

юзасидан ҳаётдан олинган факт, воқеа ва ҳодисаларни умумлаштириш асосида маълум бир фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар олдинга сурилади.¹

Унинг асосий хусусияти ҳаёт воқеа-ҳодисаларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этишидadir. Бир сўз билан мақолага “инсоннинг дунёни англашдаги муҳим қуроли, бемисл воситаси”² деб таъриф бериш мумкин. Энди ушбу хусусиятларни маънавий-маърифий мақолаларга талқин этадиган бўлсак, бундай мақолаларда жамиятимиздаги маънавият, маърифат масалалари билан боғлиқ долзарб муаммолар ва мавзулар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш усуллари чуқур таҳлил этилади деб, бемалол айта оламиз.

Мақола жанрида ёзиладиган маънавий-маърифий матн иложи борица мавзунини ўзида тўлиқ мужассам этиши, унда кириш, асосий қисм ва хулоса мавжуд бўлиши талаб этилади.

Маънавий-маърифий мақолаларнинг асосий мақсади аҳолининг дунёқарашини, маънавий оламини кенгайтириш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш, эзгулик йўлига бошлаш, ватанпарварлик руҳини кучайтириш, иймон-эътиқоди, виждонини уйғотиш, бир сўз билан айтганда, ички дунёсини поклашга қаратилган бўлади. Шу боис ҳам ундаги ҳар бир сўз мақолани мутолаа қилган газетхоннинг онг-у шуурига таъсир кўрсатиши лозим. Агар мақолада ҳаётини воқеа-ҳодисалар келтирилган бўлса, реалликдан узоқ бўлмаса, тушунарсиз ва мураккаб жумлалардан фойдаланилмаган бўлса, унинг таъсир даражаси юқори бўлади.

Сўнгги вақтларда матбуотимиздаги мақолаларда жаҳон тажрибасининг бир кўриниши бўлган “лид” яъни қисқа кириш қисмларидан фойдаланиш урфга айланди. Маънавий-маърифий мақолаларда ҳам лиддан самарали фойдаланилмоқда. “Лид:

- Мақоланинг энг асосий “янгилги”ни биринчи планга олиб чиқиши;
- Воқеа-ҳодисанинг резюмеси яъни қисқача асосини баён қилиши;

¹ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет, 2008, Б-154.

² Ўша манба, Б-155.

- Ўқувчи мақоланинг нима ҳақида эканини дарҳол тушуниб етиши учун аниқ ва қисқа жумлаларда берилиши;
- Муштарийнинг диққат-эътиборини дарҳол жалб этиши керак.”¹

“Фарғона ҳақиқати”даги мақолаларнинг аксариятида лид қисми ушбу талабларга жавоб беради. Мисол тариқасида газетанинг 2013 йил 25 декабрь сонида чиққан “Қизингизни эрта узатманг” мақоласини олсак. Унда куйидагича лид берилган: “Оилада қиз бола дунёга келса, хонадон шодликка тўлади. Меҳрибонимиз туғилди, дея азиз дилбандларини киприкларида катта қиладилар. Катта қиладилар-у, айрим ота-оналар қизлари 16 ёшга етиб, баъзан етмай туриб ҳам шошиб қоладилар. Тезроқ уни узатиш, тўй ва набиралар кўриш орзусида фарзандини билибми, билмайми ўтга ташлайдилар.”² Қисқа, содда ва халқона тилда ёзилган ушбу лид газетхонларни ўзига жалб эта олади. Ва уни ўқиганимизда мақолада нима ҳақида гап кетишини бемалол англаб оламиз.

Шаҳриёра Отаболаева муаллифлигида чоп этилган “Ватан сотилмайди” сарлавҳали мақоланинг лид қисми ҳам қисқа, лекин мазмунли: “Хиёнатнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Дўстга, ёрга, оилага, ота-онага бўлган хиёнат... Бироқ бир хиёнат борки, асло кечирилмайди. Ватанга бўлган хиёнат гуноҳлар ичида энг оғири ва мудҳишидир.” Лидни ўқиган газетхон мақолани тезроқ ўқиб чиқишга ошиқади. Ватанга ким, қандай хиёнат қилди экан, деган савол миясида айланаверади. Лиднинг вазифаси ҳам айни шундан иборат, яъни ўқувчини мақолага бўлган муносабатини уйғотиш ва уни мақоланинг ичига олиб кириш.

Лекин барча маънавий-маърифий мақолалардаги лидларни талаб даражасида деб бўлмайди. Мисол учун газетанинг 2013 йил 19 июнь кунги сонида чоп этилган “Ҳаёт қадри ёки вилоят наркология диспансерида бир кун...” сарлавҳали мақолада куйидагича лид берилган: “Вилоят наркология

¹ Қосимова Н. ва бошқалар. Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. –Т.: Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари в ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, 2008, Б-57.

² Абдурахмонова Соҳиба. Қизингизни эрта узатманг. //Фарғона ҳақиқати, 2013, 25 декабрь.

диспансерида сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик стационар, кашандалик амбулатор тарзда даволанади. Диспансер 60 ўринга мўлжалланган бўлиб, психотерапевтик усуллар асосида беморларга муолажа қилинади.” Бу лидни ўқиган газетхон уни диспансер фаолияти ҳақида бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин мақола асосан гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга муккасидан кетиб, боши берк кўчага кириб қолганлар ҳаёти, уларнинг афсус-надоматлари ҳақидадир. Яъни мақоланинг мақсади шундайлар ҳаётидаги қийинчиликлар ҳақида жамиятимиз аъзоларини хабардор қилиб, уларни бу хавфдан огоҳ этиш, тўғри хулоса чиқаришга ундаш. Лекин лид айни шундай мазмунни бера олмаган. Агар таъсирлироқ тарзда тузилганда, газетхонларни янада кўпроқ жалб этган бўларди. Ёки Соҳиба Абдурахмонованинг “Болангизни тергаманг” номли мақоласида ҳам лид қисми тушунарсизроқ бўлиб қолган: “Бир дугонам ҳамиша боласини тергагани тергаган эди:

“ - Бошингни қашлама, чанг жойга ўтирма, чапиллатиб ема, ўйинчоғингни жойига қўй, кўп савол берма, у ёқ бу ёққа аланглама!” Шу билан лид қисми тугайди. Бу билан муаллиф нима демоқчилиги аниқ маълум бўлмаган. Тергаса нима бўлибди, деган савол туғилади ўқувчида. Муаллиф дугонаси тергаганидан сўнг нима натижа бўлганини ҳам айтиши керак эди. Шунда мазмун ойдинлашарди.

Хуллас, лид қисмини қандай бошлаш, қандай тил воситаларидан фойдаланиш мақоланинг ўқишли чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуни жамият аъзоларига қай йўсинда етказиш бу журналистнинг маҳорати ва услубига боғлиқ. Агар журналист ҳақиқатдан ҳам маҳоратли, истеъдодли бўлса, у ўзига ҳеч кимникига ўхшамайдиган, ноанъанавий, лекин, самарали услуб ярата олади ва шунга кўра матн тилини ҳам ўз услубига мослаштиради.

Масалан, “Фарғона ҳақиқати” газетасида фаолият юритадиган журналистларнинг ҳар бирида ўзига хос услуб мавжуд. Мақолаларни таҳлил этиш жараёнида бунга амин бўлдик.

Тажрибали, маҳоратли журналист Маъмура Абдурахимова, асосан, маънавий-маърифий йўналишда ижод қилади ва у журналистнинг услуби ҳам ўзига хос. Аввало, мақолаларининг мавзуси оммабоп, сарлавҳалари, лид кисми ҳам одамни ўзига жалб этади. Мақола матнида бадиийлик унсурлари, образлилик кучли. Шу билан бирга аксарият мақолалари ўзлари гувоҳ бўлган воқеий ҳикоялар билан бошланади ва шу воқеа асосида мақоланинг мавзусига кириб борилади. Маъмура Абдурахимова ёзган мақолани мутолаа қилганда ундаги сўз ўйинлари-ю, гўзал ўхшатишлар, инсон қалби торини чертмай қўймайди. Қисқаси, мақолани бошдан охиригача ўқиб зерикмайди одам. Маъмура Абдурахимованинг мақолаларига танланган сарлавҳалар ҳам ўзгача, яъни бадиийлик унсурлари мақоланинг номиданок кўзга ташланади. “Бахту саодат не дединг, меҳнат дедим...”, “Йўл бошига қўйилган кўзгу”, “Қалбингни қалбимга яқинлигини қандоғ унутай?”, “Омонмисиз, боши тўйдан чиқмаган одам...” номли сарлавҳалар шулар жумласидандир.

Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун Маъмура Абдурахимованинг мақолаларидан парчалар келтирсак: “Меҳнат шунчаки тер тўкиб ишлаш, бирор юмушни уддалашгина эмас, балки орзу-ўйларинг, қувончли, ташвишли кунларингни ортмоқлаган, ҳар нафасингдан зарралар йиғиб олтин гул ясаётган ҳаётий ҳаракат, илоҳий қудрат манбаидир.”¹ Ушбу парчани меҳнатга берилган бадиий таъриф, десак муболаға бўлмайди. Бундай фикрлаш учун инсоннинг бадиий тафаккури, бадиий дид ва савияси мукаммал бўлиши лозим.

“... Китоб дебочасидаёқ олим уларни Стендалнинг “Адабиёт йўл бошига қўйилган кўзгудир” деган насиҳатига амал қилиб қалам тебратаётганликларини мамнуният билан қайд этади. Ахир кўзгу қанчалик тиниқ бўлса, гўзаллик ёки нуқсоннинг зарраси ҳам акс этади. Кўзгу гардларини артиш нечоғлик фойдали бўлса, ўзбек адабиётига ҳам ана шундай тиниқлик, мусаффоликнинг бахш этилиши маънавий тозариш

¹ Абдурахимова Маъмура. Бахту саодат не, дединг, меҳнат дедим... // Фарғона ҳақиқати, 2013 , 4 май.

фаслини вужудга келтиради.”¹ Бу парчада образлилик бор. Яъни муаллиф адабиётдаги тиниқликни кўзгу ёрқинлигига менгзайди ва адабиётга бахш этилажак тиниқлик маънавиятимиз учун қанчалар фойдали эканини айтиб ўтади. Хулоса ўрнида, Маъмура Абдурахимова ўзига хос услубни ярата олган деб бемалол айта оламиз.

Яна бир маҳоратли журналист Ботиржон Мадиев эса ҳеч ким қўл урмаган мавзуларни танлаши, мақолаларида асосан, факт ва далиллардан қўп фойдаланиши, интервьюлар асосида мавзунинг ёритилиши билан ажралиб туради. Журналистнинг услуби шу даражада ўзига хоски, мақоласининг ўқиб, муаллифига қарамай туриб ҳам унинг Ботир Мадиевники эканлигини билиш мумкин.

Абдувосит Сиддиқов эса мақолаларида кўпинча ички сарлавҳалардан фойдаланиб, мавзунинг янада тушунарлироқ етказиб беришга ҳаракат қилади.

Юқорида мақолани муваффақиятини унинг тил ва услубига, бу ҳар икки масаланинг тўқислиги эса журналист маҳоратига боғлиқлигини айтиб ўтдик. Журналист оммавий ахборот воситаларининг асосий субъекти ҳисобланади. ОАВнинг кадр-қиммати, қиёфасининг белгилайдиган, унинг ўқишли, кўришли, эшитишли чиқишининг таъминлайдиган сиймо, шубҳасиз, журналист бўлади. Нашрнинг тиражи, аудиториянинг сони қўп жиҳатдан журналистнинг истъдоди, меҳнати, ғайрати, қаламининг кучи, ишбилармонлиги, маҳорати, жасорати ва шу каби омилларга боғлиқ бўлади. Хўш, журналистнинг маҳорати қандай хусусиятларда намоён бўлади?

- Аввало, журналист яхши мавзу танлай олиши, уни таҳлил қила билиши учун, ҳаётни, фикрлар хилма-хиллигини ўрганиши, халқнинг ичига кириб бориши, одамлар руҳияти, қизиқишлари ва муаммоларининг доимий тадқиқ қилиб бориши, юртбошимиз таъкидлаганларидек “ҳаёт қозонида қайнаши” лозим;
- Журналист учун яна бир хусусият ихтисослашувдир. Масалан, маънавий-маърифий мавзуда мақола ёзмоқчи бўлган журналист ўзи

¹ Абдурахимова Маъмура. Йўл бошига қўйилган кўзгу. // Фарғона ҳақиқати, 2013, 20 феврал.

ёритаётган соҳани яхши ўзлаштира ва уни паст-баландидан хабардор бўлсагина, мақоласи самарали чиқади;

- Маънавий-маърифий мақола ёзаётган, халқни эзгулик сари етаклаётган журналистнинг ўзи, аввало, айтганларига амал қилиши лозим;
- Қонун тизимини яхши билиши, ҳуқуқий саводхон бўлиши керак;
- Дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлардан хабардор бўлиши;
- Одамлардан эшитган шов-шувларга ишонмасдан, аниқ факт ва далиллар асосида, “етти ўлчаб-бир кес” мақолига амал қилган ҳолда фаолият юритиши;
- Сўзнинг масъулиятини ҳис қилган ҳолда, ундан оқилона фойдаланиш, халқ мақоллари, иборалар, ҳикматли сўзларни келтира олиш ва мос танлаш маҳорати;
- Жанрлар хилма-хиллигидан фойдаланиш ва материалга мос жанр танлай билиш маҳорати;
- Касб одобига риоя қилиш, холислик, ҳаққонийлик, инсон шаъни ва кадр-қимматини топтамаслик, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмаслик;
- Ўзига хос услуб ярата олиши;
- Ҳеч ким қўл урмаган, қўз илғамаган, “теша тегмаган” мавзуларни топа билиши ва қаламга олиши;
- Билимлар доирасининг кенглиги, бошқача айтганда, энциклопедизм.

Маънавий-маърифий мақолаларда сарлавҳа танлай билиш маҳорати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сарлавҳа муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг бошланишидир.

“Газетачиликда сарлавҳа топиш ярим муваффақият десам, муболаға бўлмайди. Назаримда, сарлавҳа бироз сирли, газетхон эътиборини ўзига тортадиган бўлиши ҳам керак. Чунки сарлавҳа очиқ бўлса, газетхон мақола

ёки хабарни ўқимай турибоқ гап нима ҳақида эканлигини тушуниб етади ва кейинги саҳифага ўтиб кетаверади”¹ - деган эди Аҳмаджон Мелибоев.

Газета мақолаларини таҳлил этиш жараёнида маънавий-маърифий мақолаларнинг сарлавҳаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратдик. Уларни ютук ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда икки гуруҳга бўлиб тадқиқ этдик.

- Ноанъанавий, эътиборни тортувчи сарлавҳалар:

- “Истироҳат боғларининг доғлари” (17. 08. 2013 й. Таҳририят);
- “Залолат занжири” (24. 08. 2013 й. Маъмура Абдурахимова);
- “Марғуб ишларингиз борми, замондош?” (09. 08. 2013 й. Соҳиба Ҳабибулла қизи);
- “Назоратчи қалбимизда, виждонимизда бўлсин” (11.10. 2013 й. Зуфаржон Султонов, Баҳром Обиджонов);
- Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин!(Таҳририят);
- Истеъмоли ёқади-ю, тўлови чақадими?(Таҳририят);
- Сирлар гулшанининг гул терувчиси(18.05. 2013 й. М. Мадғозиев);
- Ой бориб, омон қайтмаганлар.(24. 08. 2013 й. Зоҳид Абдулла);
- Шаҳримиз жамоли-бахтимиз камоли.(Дилбар Райимжонов);
- Экологик тарбияга муҳтож ким?(Дилбар Райимжонов);
- Марғилоннинг уриб турган “юраги” (02. 03. 2013 й. Б. Мадиев, Ҳ. Нуриддинов);

- Анъанавий, доимий сарлавҳалар:

- “Келин сурати куёвжўранинг кўл телефонида” (03. 01. 2014 й. Фотима Ўктамova ;)
- “Ҳаёт қадри” (19.06.2013 й. Камола Полвонова);
- “Берилган ризқ учун шукрона” (03. 01 2014 й. Тошқўзи Муллаев);
- “Файзли хонадон” (15. 06. 2013 й. Йўлдош Солижонов);

¹ Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. –Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008, -52-53-бетлар.

- “Қизингизни эрта узатманг”(Соҳиба абдурахмонова);
- “Ўқувчига “сотка” керакми?”(13. 02. 2013 й. Абдувосит Сиддиқов);
- Бошингга не келса, тилингдан кўр...(13. 07. 2013 й. М. Ҳасанов);
- Яшашдан мақсад-яхшилик бўлсин.(17. 04. 2013 й. Йўлдош Солижонов);

Бу икки гуруҳга яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин асосий мақсад уларнинг рўйхатини тузиш эмас, балки маънавий-маърифий мақолаларга танланаётган сарлавҳаларга баҳо беришдир. Газетанинг саҳифаларини кузатиш натижасида, кўп сарлавҳаларнинг одатий, доимий, қолиплашган сарлавҳалардан иборат эканлигига гувоҳ бўлдик. Ноодатий сарлавҳалар ҳам бор, лекин жуда кам. Журналистларимиз сарлавҳа танлаш маҳоратига алоҳида эътибор беришлари керак, деган хулосага келдик.

Гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, газетада маҳорат билан ёзилган, тили ўткир, услуби пишиқ мақолалар билан бир қаторда бир қанча камчиликлари бўлган, бўш материаллар ҳам йўқ эмас.

Умуман олганда, “Фарғона ҳақиқати” ижодкорлари ҳамиша хушёр туришга, маҳорат билан ёзишга, ўзига хос услуб яратишга ва жамиятимиз аъзоларининг маънавиятига таъсир этадиган мавзуларни қаламга олишга интилиб келмоқдалар.

Сўзимиз якунида соҳа мутахассисларидан бири устоз Х. Дўстмуҳаммаднинг қуйидаги фикрларини келтиришни жоиз топдик: “Биз журналистларимизнинг фаолияти ҳақида гапирганда, “жасорат” сўзини кўп тилга оламиз. Назаримда, билиб ёзиш, уқмаганга ҳам уқадиган қилиб ёза билиш ҳам ижодий жасорат саналади.”¹

Биз ҳам ана шундай ижодий жасорат кўрсатувчи журналистларимиз сафи кенгайишига умид қилиб қоламиз.

¹ Дўстмуҳаммадов Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: Ўзбекистон, 2005, Б-39.

Хулоса

Бугун биз замон шиддат билан ривожланаётган, дунё ягона ахборот маконига айланиб бораётган глобаллашув жараёнида яшамоқдамиз. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг салбий ва ижобий томони бўлгани каби, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўришимиз мумкин. Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари-ку ўз йўлига, лекин ҳозирги шараоитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам тушуниши мукаррар. Жамиятимиз аъзоларини мана шундай ғоявий-мафкуравий таъсирлардан асрашда, уларни ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор этишда, ҳолис ахборотларни етказишда, маънавий онгини юксалтиришда ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта.

Хусусан, Фарғона вилояти ҳокимлигининг бош нашри ҳисобланмиш “Фарғона ҳақиқати” газетаси ҳам ўз фаолияти давомида маънавий-маърифий тарғибот ишларини кенг жамоатчиликка тарғиб этишга, аҳолининг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга, уларни турли хил ғоявий таҳдидлардан огоҳ этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Газета саҳифаларида турли мавзуларга бағишланган маънавий-маърифий мақолаларнинг доимий бериб борилиши, жамият аъзолари учун муаммоли ва долзарб бўлган мавзуларнинг чуқур таҳлил этилиб, халқона тил ва услубларда кенг оммага тарқатилиши, мақолаларнинг ўз самарасини бераётгани, бу борада газетхонлардан таҳририятга келаётган мактублар ва уларнинг мақолаларга билдирган муносабатлари, фикр-мулоҳазалари эътирофга лойиқ.

Бундан ташқари, ҳуқуқий мавзуга оид, иқтисодий соҳаларни ёритувчи, ижтимоий ҳаётни инъикос этувчи мақолалар ҳам узлуксиз бериб борилади ва бу ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, иқтисодий жараёнларни теран англашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, газетада ютуқлар баробарида камчиликларнинг бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Малакавий битирув иши мавзусини тадқиқ этиш, газетанинг бир неча йиллик сонларидаги маънавий-маърифий мақолаларни таҳлил қилиш жараёнида бир қанча нуқсон ва камчиликлар ҳам кўзга ташланди.

Биринчидан, газетадаги маънавий-маърифий мақолалар бир нечтагина йўналишлар билан кифояланган. Аслида, маънавият мавзуси барча соҳага дахлдор.

Иккинчидан, мақолаларда бир қанча услубий ғализликларга ҳам дуч келдик. Баъзи ўринларда сўз қўллаш билан боғлиқ хатолар ҳам учради.

Учинчидан, кўпгина мақолаларнинг услуби эскича қолипда қолиб кетган. Бугунги газетхон кўпроқ ўзи хулоса чиқарадиган материалларни мутолаа қилади. Газетадаги маънавий-маърифий мақолалар эса асосан панд-насихат руҳида бўлиб қолган.

Тўртинчидан, газетада маънавий-маърифий мақолаларнинг барчаси ҳам ўз самарасини кўрсатмайди ва таҳририят унинг самарадорлиги билан унча қизиқмайди.

Бешинчидан, ноодатий, ўқувчини эътиборини тез жалб этувчи ва ярқ этиб кўзга ташланувчи сарлавҳалар жуда кам. Асосан, одатий, доимий, бир хил қолипдаги сарлавҳалардан кўп фойдаланилади. Баъзи зерикарли сарлавҳалар мақолани ўқимай, ўтказиб юборишга сабаб бўлади.

Олтинчидан, газета ўзи тўрт саҳифадангина иборат бўлишига қарамай, фойдали майдонини самарали тарзда саҳифаламайди.

Шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни лозим топдик:

1. Аввало, газетанинг дизайнига ўзгартириш киритиш ва мақолаларнинг йўналишига қараб, ҳар бир саҳифада доимий рукнлар ташкил этиш лозим. Зерикарли материаллардан воз кечиш, йирик материалларнинг хажмини бир мунча қисқартириш, шаблон жумла ва иборалардан, сунъий

тарзда уюштирилган фотосуратлардан воз кечиш, анъанавий сарлавҳалар ўрнига ноодатийларини топиб ишлатиш газета муваффақиятини таъминлайди.

2. Газетада чоп этилаётган маънавий-маърифий мазмундаги мақолалар кўламини кенгайтириш ва йўналишларини ранг-баранглигини таъминлаш зарур. Масалан, газетанинг ҳар чоршанба сонидо доимий бир рукн остида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи мақолалар бериб боришни ва ҳар шанба сонларида юртимизнинг барча гўшаларидаги тарихий обидаларимиз, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди, маънавий меросимизга бағишланган мақолаларни бериб борилишини ташкил этиш керак. Зеро, инсон маънавияти ўз тарихини, миллий ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқ.

3. Газетада чоп этилаётган барча маънавий-маърифий мақолаларни унинг электрон сайтига нафақат ўзбек, балки рус, инглиз тилларида ҳам жойлаштириш ва сайтда интерактив мулоқотларни ташкил этиш, мақолалар юзасидан ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини, муносабатларини аниқлаб, унинг натижасини яна газета орқали чоп этиш керак. Шунда икки томонлама яъни газета ва аудитория ўртасида яхши алоқа йўлга қўйилади ва мақолаларнинг натижаси, самараси кўзга ташланади. Бундан ташқари газета глобал ахборот кенглигида ҳам ўз муштарийларига эга бўлиб боради ҳамда юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ҳақида ташқи ўқувчиларга холис ва тезкор ахборотларни етказиб туради.

4. “Бош муҳаррир минбари” рукнини ташкил этиш ва унда энг долзарб ва муаммоли материалларни бериб бориш ҳам газета савиясини оширишга хизмат қилади.

5. Газетанинг охирга саҳифасида бериладиган тижорат мақолалари ҳажмини мўътадил ҳолатга келтириб, турли хил реклама ва эълонларни манзилли тарзда бериб, фойдали маслаҳатлар, газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари мунтазам равишда чоп этиб борилса, “Фарғона ҳақиқати” газетаси янада юксалар эди.

Юртбошимиз Каримов И.А. “Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс этириш” асарларида таъкидлаганидек, “Ана шундай юксак марраларни эгаллаган тақдирдагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс-садо беради ва халқимизнинг чинакам маънавий ҳамроҳига айланади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири. Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. – Т.:Ўзбекистон, 1998.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори. //Халқ сўзи, 2006, 27 август.

II. Ўзбекистон Республикиси Президенти И.А. Каримов асарлари:

- 2.1. Каримов И. А. Тарихдан сабоқ олиб,замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш бугунги ҳаётнинг ўткир талаби. // Халқ сўзи, 2012, 10 май. кўптомли
- 2.2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2009, Б-135.
- 2.3. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009, Б-24.
- 2.4. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998, Б-37.
- 2.5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, Б-54.
- 2.6. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Маънавият, 1994, Б-9.

2.7. Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б-38.

2.8. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005, Б-53.

III. Назарий адабиётлар:

3.1. Абдуазизова Н. Мустақил ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Т.: Академия, 2007.

3.2. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. –Т.: Университет, 2008.

3.3. Дўстмухаммедов Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: Ўзбекистон, 2005, Б-39.

3.4. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. –Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008, -52-53-бетлар.

3.5. Обидов М. Фарғона журналистикаси, -Т.: Шарқ, 2009, Б-76.

3.6. Мелибоев А. Истиклол даври матбуоти: вазифаси ва ҳуқуқий асослари. –Т.: Шарқ НМАК, 2011, Б-5.

3.7. Абдуазизова Н. Матбуот зиёси.–Т.:Академия, 2009, Б-17.

3.8. Ғулом Мирзо. Конституция ва маънавият. –Т.: Маънавият, 2012, Б-5.

3.9. Тошев Ф. Журналистнинг нони қаттиқ. –Т.: Фан, 2004.

3.10. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. –Т.: НМИУ, 2009.

3.11. Мелибоев А. Публицистикада давр руҳи ва ижтимоий талқин. – Т.: НМИУ, 2011.

3.12. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.

IV. Даврий нашрлар:

4.1. “Халқ сўзи” газетасининг 2006, 2007, 2010, 2012 йиллардаги бир неча сонлари.

4.2. “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 2012-2013 йил сонлари.

V. Интернет манбалари:

5.1. www.lex.uz

5.2. www.fargona haqiqati.uz

5.3. www.ziyo.uz

5.4. www.google.uz